O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 31 (137)-сон, 2006 йил 10 август | www.21asr.com

МУНОСАБАТ

3 Қаҳрамонлар миллат қалбида абадий яшайдилар



МОЛИЯ БОЗОРИ

8 Йил охирига қадар вилоятда пластик карточка эгалари сонини 20 минг нафарга етказиш кўзда тутилмоқда



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

9 Эронга нисбатан жазо чораларини қўллаш «қора олтин» нархининг кўтарилишига олиб келади

Оқсаройда қабул

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 9 АВГУСТ КУНИ ОҚСАРОЙДА АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ ЁРДАМЧИСИ РИЧАРД БАУЧЕРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу учрашув ўзаро муносабатларга доир муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, шунингдек, барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тарафдоридир. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ташқи сиёсат ҳам, аввало, ана шу тамойилга асосланади. Шу боис, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп қиррали алоқаларнинг изчил ривожланишида ўзаро англашув ва ҳурмат — мавжудлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ричард Баучер кўп йиллар давомида қатор етакчи дипломатик лавозимларда меҳнат қилган таниқли сиёсатчи. У айни пайтда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси.

Ташриф дастурига мувофиқ, Р.Баучер Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Оқсаройда ўтган учрашувда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди ҳамда икки томонлама манфаатли муносабатларнинг истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Суҳбат чоғида, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳамжиҳатлик ва тинч йўл билан ҳал этишнинг муҳимлиги таъкидланди.

(ЎзА)

Истиқлол изланишга чорлайди

Энг азиз, энг улуғ байрамимиз — Мустақиллик шодиёналари яқинлашгани сайин кўнгилдан ёруғ, нурли ўй-фикрлар кечади. Зеро, ота-боболаримиз бир умр орзу қилган кунларга биз етишдик. Ҳур фикр, озод меҳнат тадбиркорлик тарзимизга айланди. Эсимда, бундан 15 йил илгари Президентимиз томонидан мамлакат мустақиллиги эълон қилинганида, миллионлаб юртдошларимиз қатори менинг ҳам кўзимда севинч ёшлари пайдо бўлган эди. Машаққатли йўллар ортда қолди.

Бекназар ҲАЙИТОВ, O'zLiDeP Қизириқ туман кенгаши раиси, "Камолиддин-Бек" фермер хўжалиги раҳбари

Бугунги кунда ҳар биримиз ўз тақдиримизнинг чинакам хўжайинимиз. Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераяпти. Ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ердан йил сайин мўл ҳосил етиштирилмоқда. Асл деҳқон ўзининг нималарга қодирлигини намоён этаяпти. Бу, шубҳасиз, фермерлик ҳаракати шарофатидир. Хўжалигимизда 103 гектар ер майдони мавжуд. Шундан 50 гектарида ғалла етиштирилади. 50 гектари пахта учун ажратилган. 3 гектар майдонда мевали боғ ташкил этганмиз. Жорий йилда давлатга 117 тонна сара дон топширдик. Буюртмадан ортиқча буғдой эса омборларимизда қолди. Айни кунда ғўзаларнинг авжи баланд. Ҳосил нишоналари кўзга ташланиб қолди. Деҳқон учун ўз меҳнатининг маҳсулини кўришдан каттароқ бахт борми?

Илгариги замонда буни тасаввур ҳам қилиш қийин эди. Энг муҳими, бугун қандай маҳсулот етиштириш, экинни қандай парваришлаш учун ҳеч ким юқоридан туриб кўрсатма бермайди. Ҳаммасини ўзимиз ҳал қиламиз. Ёнилғи ва минерал ўғитлар тақсимотида ҳам ижтимоий адолат ўрнатилган. Қишлоқда саноат ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, замонавий асосдаги хориж технологиясини сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси учун мустақилликдан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Бинобарин, уни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фаоллик кўрсатиш биз, тармоқ ходимларининг бирдан-бир муҳим бурчидир.

Солих ЗОИР олган суратлар

Суратдаги янги бино — Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилаётган йирик иншоотлардан бири бўлиб, у энг замонавий, юқори сифатли қурилиш ашёларидан бунёд этилмоқда. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий кўчасида қарийб 30 йилдан буён битмаётган, ён-атрофдаги гўзал манзарани бузиб турган бино, ниҳоят кўркам иморатлар қаторидан муносиб ўрин оладиган бўлди. Мазкур объектда Навоий кон-металлургия комбинатининг буюртмасига биноан, Зарафшон қурилиш бошқармасига қарашли 4-қурилиш-монтаж бошқармаси 2004 йил октябрь ойида ишга киришган эди. Бугунги кунда объектга 22 та қурилиш ташкилоти жалб этилган бўлиб, 1250 нафар бинокор икки сменада меҳнат қилмоқда.

Бизнес-марказда маъмурий-бошқарув хоналари, мажлислар зали, турли дўконлар, 160 ўринли ресторан, кафе, жисмоний соғломлаштириш маркази фаолият кўрсатади. Хизматчилар ва мижозларга қулайлик туғдириш учун бинода 8 та лифт ўрнатилди.

Мустақилликнинг 15 йиллигига

Янги муваффақиятлар йўлида

Жорий йилда Ўзбекистон халқи мустақилликка эришганининг 15 йиллигини нишонлайди. Бу давр мобайнида мамлакат катта йўлни босиб ўтди, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда муҳим натижаларга эришди.

Президент И. А. Каримов томонидан иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадларга қаратилган кенг қамровли дастурларни тасдиқлаш юзасидан қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар ўзининг ижтимоий йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Дун Сяоян, ХХР Ижтимоий фанлар академиясининг Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари

Хитой Ўзбекистон билан дўстлик, ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Сўнгги пайтларда бундай алоқалар барча соҳаларда жадаллик билан кенгайиб бормоқда. Биз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти таъсисчиларидан бири бўлган Ўзбекистон билан ушбу ташкилот доирасида йўлга қўйилган ҳамкорликни юксак баҳолаймиз.

Ўзбекистоннинг "уч иллат" (террорчилик, айирмачилик ва экстремизм) билан кураш масаласига нисбатан қатъий ва ўзгармас ёндашуви, мамлакатингизнинг бу йўналишдаги халқаро ҳаракатларда фаол иштирок этаётгани ҳам эътиборга моликдир. Ўзбекистоннинг террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашда тутган алоҳида ўрнини ҳисобга олиб, ШҲТга аъзо давлатлар ташкилотнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини юртингиз пойтахти — Тошкентда очишга қарор қилишди. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида барқарорликни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш йўлида кенг кўламли саъй-ҳаракатларни амалга ошираётир.

Фурсатдан фойдаланиб, кириб келаётган ютуқлар байрами бўлмиш Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига энг самимий тилакларимни изҳор этмоқчиман. Мамлакатингиз давлат қурилиши, мустақилликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида янги муҳим ютуқларга эришишига ишончимиз комил.

«БИОКС» — замонавий технология

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири

Навоий кон-металлургия комбинатининг Учқудуқ туманидаги Шимолий кон бошқармасига қарашли 3-гидрометаллургия заводи ҳузурида олтинни қайта ишлайдиган янги корхона барпо этилмоқда.

Бу ерга Навоий кон-металлургия комбинати томонидан қиймати 90 миллион АҚШ долларига тенг «Биокс» замонавий технологияси келтириб, ўрнатилди. Мазкур технология сульфидли рудаларни микроорганизмлар ёрдамида оксидлашда ишлатилади. Унинг рудани қайта ишлаш даражаси жуда юқори. Бугунги кунда йигирмага яқин мамлакатда бу технологиядан самарали фойдаланилмоқда.

Айни пайтда қурилиш-монтаж ишлари қизғин давом этмоқда.

Узоқ ва яқин хорижда

БМТ учун оғир муаммо

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Яқин Шарқ бўйича ўз резолюциясини қайта кўриб чиқмоқда.

Айни пайтда Исроил ҳукумати жанубий Ливанда ҳарбий операцияларни кенгайтириш режасини амалга ошираяпти.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳужжатининг аввалги варианти Араб давлатлари лигаси ва Ливаннинг қатъий талаби билан рад этилган эди. У Қўшма Штатлар ва Франция томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Исроил қўшинларининг Ливан ҳудудидан дарҳол олиб чиқиб кетилиши кўзда тутилмаганди. Бундан ташқари, Араб давлатлари лигаси вакиллари ҳужжатнинг баъзи талқинларидан норози бўлган эдилар. Уларнинг фикрича, Исроилнинг қилмишларига етарли даражада кескин баҳо берилмаган.

БМТ сешанба куни Ливан аҳолисига инсонпарварлик ёрдами билан бирга соқчиларни жўнатишни тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилди, деб хабар беради BBC News. Исроил томонидан Литания дарёсининг жанубидаги аҳоли пунктларига ракеталар билан зарба бериш давом эттирилганидан кейин хавфсизлик мулоҳазаларига бориб, Ливаннинг жанубий ҳудудлари аҳолисига ёрдам жўнатиш кечиктирилди.

Сув омбори атрофидаги можаро

Куни кеча Шри-Ланкада Франциянинг Action Contre la Faim («Очликка қарши ҳаракат») хайрия ташкилотининг 17 нафар ходими жасади топилди. Улар отиб ташланган эди. Қақшатғич жанг олиб бораётган «Тамил Илама озодлиги йўлбарслари» ҳаракатида иш кўраётган сепаратистлар ва ҳукумат қўшинлари рўй берган фожиада айбни бир-бирларига ағдармоқдалар. Шри-Ланкани шоша-пиша ташлаб кетаётган халқаро кузатувчилар янги уруш имкониятлари ҳақида гапира бошлашди.

Ўлдирилганлар - 13 эркак ва 4 аёл - Шри-Ланкада рўй берган цунами оқибатларини тугатишда ёрдам бераётган гидромуҳандислар ва агрономлар эди. Эндиликда мазкур ташкилот ўз миссиясини тўхтатганлиги ва 15 нафар француз мутахассиси уйига қайтиши, шунингдек, 224 нафар маҳаллий ходимлардан иборат штат тарқатиб юборилганини маълум қилди.

Можаро 60 мингдан зиёд сингалликни оби ҳаёт билан таъминлайдиган сув омборини талашиш негизида келиб чикди. «Тамил Илама озодлиги йўлбарслари» раҳбарияти сув ресурсларини адолатсизлик билан тақсимлашда ҳукуматни қоралаб, сув омборини эгаллаб олган эди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 8 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1	Австралия доллари	938,62	1	Миср фунти	213,79	1	Польша злотийси	407,63	10 Жанубий Корея вони 12,76
1	Англия фунт стерлинги	2337,83	1	Исландия кронаси	17,47	1	СДР	1823,18	10 Япония иенаси 107,11
1	Дания кронаси	211,79	1	Канада доллари	1091,11	1	Туркия лираси	835,29	1 Россия рубли 45,82
1	БАА дирҳами	333,98	1	Хитой юани	153,82	1	Швейцария франки	1003,87	1 Украина гривнаси 242,90
1	АҚШ доллари	1226,63	1	Малайзия ринггити	335,42	1	ЕВРО	1579,53	

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ЕРДАН суғуриб сахрога ташланган гиёх ҳалок бўлганидек, шахс бахти ҳам жамиятдан ташқарида бўлмайди

ТАНЛОВ

Навбатда – республика босқичи

O`zLiDeP ташаббуси билан ўтказилаётган йиллик анъанавий "Ишбилармон ўқувчи" кўрик–танловининг Тошкент вилоят босқичи якунланди

O`zLiDeP Дастурида давлатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишга алоҳида аҳамият берилган. Айни кунда партиянинг барча саъй-ҳаракати ҳар томонлама камол топган, Ватанига содиқ, ривожланган бозор муносабатлари ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этишга тайёр йигит-қизларни тарбиялашга қаратилаётганлиги бежиз эмас.

Ўз мухбиримиз

Мана, уч йилдирки, O`zLiDeP томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ишбилармон ўқувчи" республика кўрик-танловида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари иштирок этмоқдалар.

4 август куни O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг мажлислар залида кўрик-танловнинг бу йилги вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда айни пайтда Тошкент вилоятида таълим олаётган, танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари иштирок этишди. Тадбирда барча туман ва шаҳарлардан келган 30 нафар ўқувчи ижодий лаёқати, тадбиркорлик фаолияти, ишбилармонлик кўникмаси, миллий истиқлол ғоялари билан қай даражада қуролланганлиги, "аъло" ўқиши, давлат ва чет тилларини билиши, партия фаолиятидаги иштироки, етакчилик, ёшлар билан ишлай билиш қобилияти каби мезонлар бўйича синовдан ўтди.

Бундай кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, ёшларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, янги иш ўринларини очиш орқали уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш, салоҳият эгаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Иштирокчилар ҳунармандчилик, боғдорчилик, чорвачилик, асаларичилик ва бошқа кўплаб зарур соҳалар билан шуғулланиб келишмоқда. Улар томонидан тайёрланган кўргазмаларни томоша қилган киши бугунги кун ёшларининг ҳаёти, орзу-ўйлари, дунёқараши, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, келажакка ишончи, мақсад ва вазифалари муштараклигини англаб олиши қийин эмас.

Танловда O`zLiDeP республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари фаоллари, вилоят ўрта махсус таълим бошқармаси, "Камолот" ЁИҲ Тошкент вилоят бўлими масъул ходимлари, журналистлар, шунингдек, мазкур кўрик-танловнинг собиқ ғолиблари, мураббийлар ва ота-оналар иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар партиянинг ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлари ҳақида гапирар эканлар, кўрик-танловнинг бугунги ўсмирлар учун нечоғли аҳамиятли эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, сўз олган ёшлар барча иштирокчилар номидан тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдириб, партия ўз сафларида салоҳиятли, ташаббускор ёшларни йиға олганини, улар мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаш учун интилиб яшашларини, Ватан равнақи учун ҳормай-толмай фаолият юритишга доимо тайёр эканликларини таъкидлашди.

Тадбир сўнгида фаол иштирокчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди. Энг юқори балл тўплашга муваффақ бўлган оҳангаронлик Мансур Ўтбосаров, янгийўллик Нилуфар Мавлонова, чирчиқлик Сейт Неби Мамутов танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

КЎРГАЗМА

Озод юртга тўйлар ярашар

Озод ва обод юртга хурсандчиликлар, тўй-тантаналар ярашади. Асад ойи мамлакатимизда тўй мавсумининг айни қизғин палласи ҳисобланади. Шу кунларда қанчадан-қанча янги оилалар қурилиб, муқаддас ришталар бир умрга боғланмоқда.

Феруза ЭГАМОВА

Август ойининг 10-12 саналарида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг "SSP-Expocontact" унитар корхонаси томонидан "LeGrande Plaza" меҳмонхонаси билан ҳамкорликда "Тўй тантаналари-2006" кўргазмаси намойиш этилади.

Ташкилотчилар фикрича, ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, юртимиз ишбилармонлари, хусусан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси аъзолари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлар билан истеъмолчилар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, уларнинг маҳсулотини тарғиб қилиш, шунингдек, жамоатчиликни хизмат кўрсатиш соҳасидаги илғор янгиликлар билан таништиришдан иборат. Шуни таъкидлаш керакки, кўргазма ўзига хос ноанъанавий жиҳатларга эга. Унинг дастуридан турли хил шоулар ҳамда тақдимот маросимлари ўрин олган. Жумладан, соч турмаклари мутахассислари "Энг жозибадор соч турмаги" йўналиши бўйича беллашсалар, моҳир ошпазлар "Энг тансиқ таом" йўналиши бўйича ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Тадбир давомида жамоатчилик эътиборига кам харажатли, бир умрга ёдда қолувчи тўй ва тантаналарни ўтказишда лозим бўладиган барча хизмат турлари таклиф этилади. Унда келин либослари, косметика, фото ва видео, транспорт, гуллар билан безатиш ва ресторан хизматлари, шунингдек, таклифномалар, турли ичимлик ва ширинликлар ишлаб чиқариш бўйича энг сўнгги ютуқлар намойиш этилмоқда. Кўргазмада "Нуптиаль", "Наврўз", "Мисс Камила", "Орхидея", "Оригинал", "Зебинисо" келин либослари салонлари ва "Andrea Pachini" ўзбек-итальян қўшма корхонаси каби нуфузли ташкилотлар иштирок этишмоқда.

ДАВРА СУҲБАТИ

Тадбиркор ҳуқуқлари ҳимояда

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан "Тадбиркорлар ва давлат органларининг ўзаро муносабатлари" мавзуида анжуман ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, тадбиркор ва фермерлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Шерзод ЭРАЛИЕВ

Давра суҳбати шаклида ўтказилган ушбу тадбир давлат назорат органлари томонидан хусусий сектор фаолиятига ноқонуний аралашувларни янада қисқартириш, Президентнинг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган фармонлари ва ҳукумат қарорлари мазмунмоҳиятини кенг тарғиб қилиш, тадбиркорлик субъектлари манфаатлари ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш, улар фаолиятидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш каби масалаларга бағишланди.

2006 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 310 мингдан ошиб кетди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 38,2 фоизни ташкил этяпти. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 180 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда, уларга 4.7 млн. гектар ер бириктириб қўйилган. Фермер хўжаликларининг 50 мингдан ортиғи жорий йилда ташкил этилди.

Хусусийлаштириш, кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари ташкил этиш ва тадбиркорликни рағбатлантириш орқали мамлакатимизда демократик жамиятнинг асоси ва таянчи бўлган ўрта синф шакланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундан 4 ой муқаддам O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузурида фаолият бошлаган Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази қисқа вақт ичида тадбиркорлар, фермерларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятидаги муаммолар ечимини топишда ҳам амалий, ҳам услубий жиҳатдан кўмаклашиб, бу борада жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, банк, солиқ, божхона каби қатор идоралар мутасаддилари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Мунозараларда тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан фермер хўжаликлари ўртасида тузилаётган шартнома шартларининг ўз вақтида бажарилиши билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида сўз юритилди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган, хорижий савдо корхоналари билан бевосита ҳамкорлик қилаётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари божхона тизимида экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш бўйича яратилган шароит, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб, бу борада имтиёзлар яратиш лозимлиги тўғрисида таклифлар киритишди.

Тадбирда қатнашган қатор вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари томонидан ушбу муаммолар ечимини топиш, хусусий сектор субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

ЙИҒИЛИШ

Фермерлар учрашуви

Бугун Тошкентда пойтахт вилояти фермерларининг олти ойлик иш фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтади. Унда эришилган ютуқлар атрофлича таҳлил қилиниб, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинади.

Малоҳат ЙЎЛДОШЕВА

Таъкидлаш керакки, айни пайтда вилоятда 18168 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар ихтиёрида 338675,2 гектар экин майдони бор.

Қишлоқ мулкдорларига 58 та минибанк, 112 та мукобил МТП, 63 та ёқилғи-мойлаш ва 43 та минерал ўғит сотиш шохобчалари, 10 та ахборот-консалтинг марказлари хизмат кўрсатмоқда.

Тадбир давомида фермер хўжаликларининг тўлов қобилиятини кучайтириш, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш, тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартнома интизомини мустаҳкамлаш, фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Йиғилишда, шунингдек, вилоятда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан O"zLiDeP ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари юзасидан кенг фикр алмашиш кўзда тутилмоқда.

ТУРНИР

Халқ шоири хотирасига бағишланди

Гулистон шаҳридаги "Алпомиш" спорт мажмуасида Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон хотирасига бағишлаб, миллий кураш бўйича республика очиқ биринчилиги ўтказилди.

Примқул ДЎСТМАМАТОВ, "XXI asr" мухбири

Тадбирни Миллий кураш федерацияси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов қисқача кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Ҳозирги кунда курраи заминнинг 80 дан ортиқ мамлакатида ўзбек миллий кураши оммавий спортнинг ажралмас қисмига айланди.

Мустақиллик йилларида озод ва обод юртимизда номи етти иқлимга машҳур полвонлар камол топди. Бугунги кунда ўзбек миллий курашини жаҳон олимпиада ўйинлари дастурига киритиш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Бугунги турнирнинг миллий қадриятларимиз куйчиси Тўра Сулаймон хотирасига бағишланаётгани бежиз эмас. Беназир шоиримиз ижодининг катта қисми бевосита ўзбек полвонларини мадҳ этишга бағишлангандир.

Шундан сўнг фракция раиси турнир иштирокчиларига омад тилади.

Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган Н. Равшанов, А. Азизов, С. Тоиров, М.Холбоев, А.Куртаев, Х.Холмўминов, Ш.Жўраев, А.Йўлдошев ва Д.Чориев каби полвонлар ўз вазн тоифалари бўйича ғолибликни қўлга киритиб, мусобақа шоҳсупасидан ўрин эгалладилар.

Ғолибларга фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо эсдалик совғалари ва совринларни А.Орипов, вилоят ҳокими А.Жалолов, Гулистон шаҳар ҳокими И. Эрбеков ва бошқалар топширишди.

Мазкур турнирни ҳар йили Мустақиллик куни арафасида ўтказишга келишиб олинди.

"Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот аҳлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли холис воситачи ва мухолиф сифатида фаолият кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгиланиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни кўзланган мақсад ва манзилларга етказишда доимо изланиб яшайдиган фидойи инсонлар, деб билади ва қадрлайди", дея таъкидлаганди давлатимиз раҳбари Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида.

Сиёсий партиялар ва матбуот

Тузалбой РАҲИМБОЕВ

Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кенг тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг хизмати катта. Бу борада сиёсий партиялар билан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ўртасида ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорлик ўзининг ижобий натижаларини бераяпти.

7 август куни O`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши ҳамда фуқаролик жамиятини ўрганиш институти филиали ташаббуси билан ўтказилган "Оммавий ахборот воситалари эришган ютуқлар ва мавжуд муаммолар" мавзуидаги семинар-кенгашда ана шулар ҳақида гап борди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари Усмон Жумагалдиев кириш сўзи билан очиб, матбуот ва ОАВнинг мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, янги фуқаролик жамияти қуриш борасидаги роли, улар олдида турган кўламдор вазифалар хусусида фикр юритди. "Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" газеталари бош муҳаррири Юсуф Ибрагимов ОАВ фаолиятини таҳлил қилар экан, журналистик касб маҳоратини ошириш ва янада такомиллаштириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Шундан сўнг сиёсий партиялар вилоят кенгашлари раҳбарлари сўзга чиқиб, матбуот ва ОАВ билан ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Ўзаро манфаатдорлик асосида

"Бухоро Палас» меҳмонхонасида Хитой Халқ Республикаси Синьцзян - Уйғур автоном райони тадбиркорлари ҳамда Бухоро вилояти бизнес тузилмалари вакиллари иштирокида кооперацион биржа масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари Олим Жумаев, республика Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шухрат Ҳожиев, Синьцзян - Уйғур автоном райони ташқи иқтисодий ҳамкорлик ва савдо бошқармаси бошлиғининг ўринбосари жаноб Ли Джин Юан, чегара олди савдоси бошқармаси бошлиғининг муовини жаноб Нижат Яси мазкур тадбирнинг ўзбек ва хитой ишбилармонлари ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда хитой инвестициялари иштирокида 83 та, шу жумладан, 64 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Тадбир сўнгида хитойлик ҳамкорлар ўзбек-хитой "Бухоро - Хуашен" қўшма корхонаси иш фаолияти билан танишдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

ВАТАНПАРВАР - ўз халқи ва Ватани озодлиги, фаровонлиги учун ўзини курбон қилувчи инсондир

МУНОСАБАТ

МАЪНАВИЯТ

Миллий қаҳрамонлар ва миллий ғоя

Миллат қаҳрамонлари ана шу миллатнинг маънавий қисмати бўлиб туғилади ва абадий эъзозда яшайди, деган гап бежизга айтилмаган. Миллат фарзандлари орасида миллий қаҳрамонларнинг кўп ёки оз бўлиши миллатнинг маънавий салоҳиятига боғлиқ, албатта. Шу маънода миллий қаҳрамонларимиз ҳақида гап кетаркан, дунё халқлари олдида юзимиз ёруғ, ғуруримиз баланд. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Қарийб уч минг йиллик тарих давомида миллатимиз бошидан не-не қора ва ёруғ кунларни кечирди. Шоир таъбири билан айтганда, бу муқаддас заминга қанча касу нокаслар бостириб киришди, қатли омлар ўтказишди.

Шамсиддин ЖУМАЕВ, республика "Маънавият ва маърифат" маркази O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси

Эрамиздан аввалги 329-327 йилларда Александр Македонский биргина Самарқандннинг ўзида 120.000 кишини қатли ом қилди. Бу — уч минг йиллик тарихнинг бир ёки икки йилида қилинган қирғин, қабоҳат, зулмат. Оқсоч тарихимиз эса бундан-да даҳшатли қирғинларнинг гувоҳи бўлган. Аммо миллатимиз ҳар қандай босқинчига қарши мардонавор курашган. Ана шундай оғир кунларда ҳар доим миллат қаҳрамонлари ўзларини кўрсатганлар.

Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек: "Биз мустақилликни миллатимизнинг гули бўлган не-не асл ўғлонларнинг тўккан муқаддас қони, неча асрлик машаққатли курашлари эвазига қўлга киритдик. Халқимиз ҳеч қачон ўзга юртлардан келган босқинчилар олдида бош эгмаган. Бунинг учун Александр Македонскийга қарши курашган Спитаменни, араб босқинчилари билан олишган Муқаннани, дунёнинг ярмини истило қилган мўғул босқинчиларига қарши сўнгги нафасигача жанг қилган Жалолиддин Мангубердини, мўғулларни юртимиздан ҳайдаб чиқариб, дунё халқларини бу зулмдан қутқариб қолган буюк бобомиз Амир Темурни эслашнинг ўзи кифоя".

1221 йилнинг кузида мўғул босқинчилари олти ойлик қамалдан сўнг Хоразм пойтахти — Урганчга ёпирилиб кирганда, шайх Нажмиддин Кубро шаҳар мудофаасига раҳбарлик қилган. Шайхнинг обрўсидан қўрққан мўғуллар унга омонлик эълон қилиб, тўрт томонинг қибла, қаёққа кетсанг, кетавер, сенга ҳеч ким зиён етказмайди, дея элчилар юборишган. Аммо шайх ўз жонидан кўра халқ жонини, тупроқ шаъни, Ватан орини устун қўйган. Тенгсиз курашда ўз кўксини душман найзасига қалқон қилиб, юрт озодлиги йўлида шаҳид бўлган. Муаррихлар гувоҳлик беришларича, шайх ўлими олдидан мўғул яловбардорларидан байроғини тортиб олиб, ерга қулатган. Ёвга нисбатан нафрат шу қадар кучли эдики, мўғуллар кейинчалик шайхнинг жонсиз қўлидан байроқларини тортиб ололмаган ва унинг бармоқларини кесишга мажбур бўлишган. Биз — ана шундай буюк қаҳрамонларнинг авлодларимиз. Жалолиддин Мангуберди ва соҳибқирон Амир Темур, уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида бугун ҳар қанча сўз юритсак, оз.

Миллий ғоя ва мафкура боболар тарихидан сув ичади ва озиқланади, дейишади. Боболар тарихининг салмоқли қисми эса, озодлик учун курашлар тарихидан иборатдир. Алп Эр Тўнга, Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна, шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур сиймолари болаларимиз учун мардлик, қаҳрамонлик, жасурлик мактаби бўлиб қолмоқда. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботида, дунё фани ва маданиятида чуқур из қолдирган Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ алломалар, муқаддас ислом дини таълимотини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган Мотурудий каби Ислом оламида катта обрўга эга бўлган боболаримизнинг мўътабар номлари ва маънавий меросларини тикланди.

Юртбошимиз ташаббуси билан уларнинг ҳар бирининг юбилейи ўтказилди, дунёнинг барча бурчакларига сочилиб кетган маънавий меросларимиз қайтарилмоқда. Барча ривожланган миллат ва давлатларда ҳам буюк қаҳрамону саркардалар, қомусий олимлар, алломалар, шоирлар ёки мутафаккирлар миллатнинг ғурур-ифтихоридир. Аммо барча миллат ва халқларга ҳам жаҳон цивилизациясига ўз муносиб ҳиссасини қўшган аждодлари, фарзандлари билан фахрланиш, ғурурланиш туйғусини ҳис этиш бахти насиб этмаган. Бундай бахтга фақат ўз бағрида даҳоларни вояга етказган миллатларгина муяссар бўлганлар.

Бугунги кунда кўпгина ривожланган давлатларда кучли мафкуравий тизим вужудга келди. Энди улар нафақат дунё тарихи, балки ўз мамлакатлари тарихида ҳам базўр ном қолдирган тарихий шахслар ҳақида кўплаб асарлар - шеърлар, ҳикоялар ёзишмоқда ва не-не улуғ миллатликка даъво қилувчи миллатларнинг ҳам ҳавасини келтирувчи фильмлар яратмоқдалар. Бунга мисол тариқасида "Қирол Артур"ни ёки "Патриот" ("Ватанпарвар") ни эслашнинг ўзи кифоя.

Хўш, нима учун миллий қаҳрамонлар миллат қалбида абадий яшайдилар?

Бу саволга ҳар бир одамдан бир-бирига ўхшаш бўлган турлича жавобларни эшитиш мумкин. Лекин уларнинг мазмун-моҳияти ўзгармай қолаверади. Чунки миллий қаҳрамонлар ўз жонларини миллат равнақи йўлига тиккандирлар.

Биз ҳам юқорида санаб ўтилган улуғ қаҳрамон ва саркардаларимиз ҳамда буюк алломаларимиз маънавий меросларини тикладик, улар ҳақида маълум бир маълумотларни билиб олдик. Аммо ҳали билмаганларимиз билганларимиздан анча кўп. Демак, бу борада жуда кўп изланишлар олиб боришимиз лозим. Хусусан, Алп Эр Тўнга, Широқ, Тўмарис, Спитаменни мустақилликка эришганимиздан кейин миллий қаҳрамонларимиз, дея атай бошладик, улар ҳақида дарсликларда ўқилмоқда. Аммо ҳанузгача Алп Эр Тўнга, Широқ, Тўмарис, Спитамен сингари тарихий шахсларимиз, миллий қаҳрамонларимизнинг сиймолари туширилган тасвирлар ёки расмлар йўқлигига унчалар эътибор қаратмаяпмиз.

Тўғри, тарих фани, ўқув дарсликларида бу шахслар билан боғлиқ жанг тасвирлари ва уларнинг сиймолари тасвири берилган. Лекин уларнинг портрет расмларини ҳам яратиш вақти келмадимикан? Масалан, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур сиймолари каби. Токи уларнинг ватанпарварлик, мардлик, қаҳрамонлик фазилатлари қанчадан-қанча фарзандларимизга ибрат намунасини ўтаётган экан, болаларимиз миллий қаҳрамонларимиз ҳақида тарихий шахс сифатида аниқ тасаввурга эга бўлсинлар. Ёки юртимизни босиб олган, Самарқандда катта қирғин ўтказган юнон-македон босқинчиларига қарши курашган миллий қаҳрамонимиз Спитамен ҳақида, унинг мардлик ва қаҳрамонлик мактаби ҳақида ҳанузгача бирон-бир фильм яратилмагани ачинарли ҳол, албатта. Шунинг учун ҳам фарзандларимиз ўз миллий қаҳрамонлари бу ёқда қолиб, "Спартак", "Гладиатор" фильмларини томоша қилмоқдалар.

Дунё тарихида жанг санъати, мардлик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик фазилатлари билан машҳур бўлган икки миллий қаҳрамонимиз - Жалолиддин Мангуберди ва соҳибқирон Амир Темур билан тенглашадиган, бўйлашадиган қаҳрамонлар жуда кам. Дунёдаги ҳамма миллатларга ҳам ана шундай буюк қаҳрамонлар насиб этмаган.

Қисқагина умри давомида от устида Ватан озодлиги дарди билан яшаб, босқинчиларга тинчлик бермаган Жалолиддин ҳақида бутун миллат севиб, ибрат олиб томоша қиладиган бадиий фильм яратолмаганимиз эса, жуда катта нуқсонимиздир.

Миллий ғоя ва мафкурани илмий тезислару назариялар билан халқ қалби ва онгига сингдириб, шу руҳда тарбиялаб бўлмайди. Таъсирчан усул — бадиий фильмлар, оммабоп адабиётлар орқали сингдирилса, у ҳақиқий маърифий қуролга айланади. Шундай экан, Алп Эр Тўнга, Широқ, Тўмарис, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Бобур, жадидчилик ҳаракати намояндалари сингари миллий қаҳрамонларимизнинг ўлмас ғояларини бутун миллат ғоялари даражасига кўтарадиган асарлар, фильмлар яратишимиз, халқимизга тақдим этишимиз шарт. Миллий ғоя ва мафкура даставвал Ватан тарихи ва адабиёти дарсларида бошқа фанларга нисбатан кўпроқ сингдирилади. Мана шу фанларни ўқитишда ҳам дунёдаги илғор технологияларга асосланмоғимиз лозим. Дунёқарашида техник тамойилларга қизиқиш жуда кучли бўлган мактаб ва ўрта махсус таълим ўқувчилари, олий таълим талабаларига миллий ғояни оддий, ҳиссиз-ҳаяжонсиз маърузалар билан сингдириб бўлмайди. Балки турли таъсирчан усул ва воситалар орқали сингдириш бугун дунё синовидан ўтган тажрибадир.

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР,

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Ёшлар тарбияси учун — ҳамма масъул

Жиззах. 29 июль куни O`zLiDePнинг вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан Зафаробод тумани Маданият уйида бошланғич ташкилотлар раислари ва фаоллар учун аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини ошириш, партиянинг нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

O`zLiDeP вилоят кенгаши ижроия қўмитаси аппарати раҳбари И.Маматқулов семинарни очар экан, БПТлари жойлашган маҳалла, корхона ва ташкилотларда ҳамда ёшлар ўртасида мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини ошириш, дунёвий ва маънавий-маърифий тарбияни давр даражасига кўтариш ҳақида фикр юритиб, миллий истиқлол ғоясини тарғиб этишда таъсирчан воситалардан унумли фойдалланиш, жойларда ёшлар тарбияси учун масъул бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, анжуманда жойларда хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда аёллар учун янги иш ўринлари яратиш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигига эътибор қаратилди.

Маҳаллада гурунг

Наманган. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий мақсадларидан бири ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўз элим, ўз юртим, жон Ўзбекистоним, дея ғурурланиб яшаш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Кўзланган мақсадга эришиш учун партия қошида ишбилармон ва фаол ёшларни бирлаштирган "Ёшлар қаноти" ташкил этилган бўлиб, унинг вилоят, шаҳар ва туманлардаги гуруҳлари томонидан туркум мавзуларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Бугунги кунда Наманган вилоятида O`zLiDePнинг бошланғич ташкилотлари сони 593 тага етган, партия аъзолари сони 9200 тадан ортиқ. Уларнинг 60-70 фоизини тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари, ишчи ва хизматчилар ташкил этса, қолган қисми зиёлилар, спорт, санъат, фан, тиббиёт ва бошқа соҳалар вакилларидан иборатдир. Умумий аъзоларнинг 52 фоизи ёки 4700 нафардан кўпроғини ёшлар ташкил этади.

2006 йил 3 август куни O`zLiDeP Косонсой туман кенгаши "Ёшлар қаноти" гуруҳи томонидан тумандаги "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғинида "Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ёшларга оид сиёсати ва уни амалга ошириш механизмлари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ёшларнинг шу юртга муносиб фарзанд бўлиб камол топишлари, Ватанни кўз қорачиғидай асраш лозимлиги ҳақида сўз борди.

Бўзда спорт байрами

Андижон. Партиянинг Бўз туман кенгаши "Ёшлар қаноти" гуруҳи ташаббуси билан 29 июль куни туман марказий стадионида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан қора белбоғ соҳиби, марҳум Фарҳод Холмуҳаммедов хотирасига бағишланган каратэ бўйича турнир ўтказилди.

Мусобақада тумандаги 10-18 яшар умидли спортчилар совринли ўринлар учун муросасиз кураш олиб бордилар. Бу тадбирдан кўзланган мақсад, ёшларни бир-бирига яқинлаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш эди. Мусобақани юқори савияда ташкиллаштиришга Бўз тумани ҳокимлиги яқиндан ёрдам берди.

Ушбу мусобақа туман ёшларида спортга катта қизиқиш уйғотди ва унутилмас таассурот қолдирди. Турнир сўнгида ғолиб чиққан ёшларга партия вилоят кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Қутлуғ санага бағишланади

8 август куни Гулистон шаҳридаги "Алпомиш" спорт мажмуасида Истиқлолнинг 15 йиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" шиори остида аёллар форуми бўлиб ўтди.

Сирдарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Тасвирий ойина уюшмаси ва O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги ишбилармон ва ҳунарманд аёллар тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Гулистон шаҳри, Мирзаобод ва Гулистон туманларида касаначилик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркор аёлларнинг ўзбек миллий кулолчилик санъати, миллий либослар ва ўймакорлик маҳсулотлари, айниқса ,диққатга сазовор бўлди. Форумда фаол иштирок этган тадбиркор аёлларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар тақдим қилинди.

O`zLiDeP кўмагида

Хунук оқибатларнинг олди олинди

ва Тошкент вилоятидаги тадбиркорлик субъектларини газ билан таъминлаш тўхтатилмайдиган бўлди

МУАММО ВА ЕЧИМ

Июль ойининг охирида пойтахт вилоятидан бир гуруҳ тадбиркорлар хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган хусусий тадбиркорлар фаолиятида вужудга келган муайян қийинчиликларни бартараф этиш масаласида ёрдам сўраб, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига мурожаат қилдилар.

Ўз мухбиримиз

Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари имзолаган фармойишга кўра, шу йилнинг 1 августидан эътиборан вилоятдаги бир қатор тадбиркорлик субъектлари — новвойхоналар, чойхоналар, умумий овқатланиш корхоналарига газ бериш тўхтатиб қўйилиши, улар энергия таъминотининг муқобил манбаларига ўтишлари лозимлиги ҳақидаги қарор бунга сабаб бўлганди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузурида ташкил этилган Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази раҳбарининг ўринбосари Валентина Котельниковининг таъкидлашича, бундай хабар Оҳангарон минтақасида фаолият кўрсатаётган ҳамда халқаро "Буюк ипак йўли"нинг жуда муҳим бўғинларидан бири ҳисобланган "Тошкент-Ўш-Қашқар" трассасидаги инфратузилмаларни қўллаб-қувватлаб турган кичик бизнес вакилларида қаттиқ норозилик уйғотган. Гап шундаки, бу ердаги тадбиркорлик субъектлари умумий овқатланиш корхоналари, новвойхоналар, автомобиль тузатиш устахоналари ва бошқа тузилмалар 4500 дан зиёд кишини иш ўринлари билан таъминлаб турибди ҳамда ушбу автомагистралда кечаю кундуз ва йил бўйи қатнов тўхтамаслиги учун қулай шароит яратилган.

Пойтахтимизни Фарғона водийси билан боғлаб турувчи мана шу автотрассанинг аҳамияти ҳақида гапириш билан бирга бугунги кунда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 40 фоизини бераётган тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш O`zLiDeP учун устувор вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кичик бизнес вакилларининг жамоавий мурожаати келиб тушганидан кейин тадбиркорлик субъектларини газ таъминоти тармоғидан узиб қўйиш эҳтимолининг олдини олиш учун дарҳол тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, партиянинг Оҳангарон шаҳар кенгашида эксперт гуруҳи тузилиб, унга O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази вакиллари киритилдилар. Комиссия ишига, шунингдек, турли соҳа кишилари билан бирга йирик иқтисодчилар орасидан маҳаллий экспертлар ҳам жалб этилди. Гуруҳ Тошкент вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарор келтириб чиқариши мумкин бўлган хунук оқибатларга тезкорлик билан баҳо берди.

В. Котельниковининг сўзларига қараганда, таҳлиллар "ёқилғининг муқобил турларига ўтиш" бир қатор салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатди. Жумладан, ҳозирги кунда минтақада мавжуд бўлган экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар яна ҳам чуқурлашиб кетиши, бунинг устига янги муаммолар пайдо бўлиши мумкинлиги аниқланди.

Тўғри, бир қарашда вилоят ҳокимлигининг фармойишида олижаноб мақсадлар кўзлангандай кўринади. У аҳолини табиий газ билан узлуксиз ва сифатли таъминлашга қаратилганлиги аниқ. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатдики, юқорида санаб ўтилган хусусий корхоналар ва ташкилотлар эҳтиёжи "Оҳангаронгаз" мижозлари умумий газ истеъмолининг 7 фоизинигина ташкил этаркан, холос. Кўриниб турибдики, ҳокимлик фармойишида таъкидланганидек, газни шу йўл билан иқтисод қилиш аҳолини ёнилғи билан узлуксиз таъминлаш муаммосини ҳал этиб бермайди.

"Дарҳақиқат, мазкур минтақада газ таъминоти муаммоси бор ва уни хусусий тадбиркорлар ҳисобидан эмас, балки бошқа манбаларни топиш йўли билан ҳал этиш лозим", — деди рўй берган вазиятни бартараф этишда қатнашган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси, Тошкент вилоятидан сайланган депутат Фахриддин Комилов. Депутатнинг фикрича, аксарият иссиқлик электр марказларини кўмирда ишлашга ўтказиш йўли билан масалани ҳал этиш мумкин. Чунки улар табиий газнинг асосий истеъмолчилари ҳисобланадилар.

Хуллас, партия вилоят кенгаши ҳузурида ташкил этилган комиссия томонидан ўтказилган таҳлил натижалари вилоят раҳбарлари билан биргаликда муҳокама қилинди. Тақдим этилган материаллар ва хулосалар асосида ниҳоят ягона қарорга келинди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зиёвуддин Ниёзовнинг кўрсатмасига мувофиқ, табиий газдан фойдаланиш технологиясига риоя қилиниши устидан мониторинг ўтказилади ҳамда муқобил ёнилғи хусусий бизнес субъектлари учун ҳеч қандай салбий оқибатлар келтириб чиқармаган тақдирдагина ундан фойдаланишга ўтиш имкониятлари юзасидан асосланган таклифлар тайёрланадиган бўлди. Бу ҳам бўлса, вилоят ҳокимлигининг масала моҳиятини тўғри тушунганидан далолатдир. Бунда фойдаланилган газ учун ҳақ тўлашдан ашаддий бўйин товлайдиганларгагина нисбатан маъмурлар алоҳида талабчанлик кўрсатиш ниятидадирлар.

ТАРБИЯ МАСКАНИДА 40 НАФАР БОЛАЛАР УМУМТАЪЛИМ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ, ИНГЛИЗ ВА РУС ТИЛЛАРИ, ТАСВИРИЙ САНЪАТ, ХОРЕОГРАФИЯ, МУСИҚА, ГИМНАСТИКА СИР-АСРОРЛАРИНИ ЎРГАНИШАДИ

АҲОЛИ ЎРТАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРДАНДИР

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI WWW.21ASR.COM

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

МЕҲР ВА ИХЛОС БИЛАН БАЖАРИЛГАН ҲАР ҚАНДАЙ ИШ ОМАД КЕЛТИРАДИ

«Хато қилмаган эканман...»

бугунги кун барчамиздан сиёсий фаоллик ва ташаббускорликни талаб этмоқда, – дейди БПТ раиси Муҳаббат ҚОДИРОВА

Орамизда шундай инсонлар борки, улар қандай соҳада ишлашидан қатъий назар, фаоллик ва ташаббускорликни биринчи ўринга қўйишади. Мақоламиз қаҳрамони Муҳаббат Қодировани ана шундайлар сирасига киритиш мумкин. У ўз бурчига сидқидилдан ёндашиб, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонмоқда. Меҳнат фаолиятини Андижон чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили кафедрасида бошлаган Муҳаббатхон кейинчалик касаба уюшмалари вилоят кенгашида етакчи мутахассис лавозимида меҳнат қилди. 1986 йилдан буён таълим-тарбия соҳасида фаолият юритмоқда.

Аъзам ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

Мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган "Умумтаълим мактабгача муассасаларининг нодавлат тизимини ташкил қилиш ва уларни ривожлантириш тўғрисида"ги Фармондан руҳланиб, хусусий болалар боғчасини очишга қарор қилди. Нияти холис экан. "Наврўз-болажон" таълим-тарбия маркази тез орада тилга тушди, вилоятда нуфузли муассасалардан бирига айланди. Фидойи, изланувчан тарбиячи "Иттифоқ" сайлов округидан халқ депутатлари шаҳар кенгашига депутат этиб сайланди. Бу унга билдирилган катта ишонч эди.

— Эл-юрт ишончини оқлаш осон эмас, — дейди М. Қодирова. —Бунинг учун астойдил меҳнат қилиш ва тинимсиз изланиш лозим, албатта. Ҳар гал сайловчилар билан учрашарканман, катта масъулият юкини ҳис этгандек бўламан. Бу эса мени ҳамиша олдинги сафда бўлишга, эл юкига елка тутишга ундайди. Қолаверса, даврнинг ўзи ҳар биримиздан сиёсий фаолликни тақозо этмоқда.

— O`zLiDePдан сайланган депутат сифатида шаҳардаги коллеж, корхона, муассаса ва маҳаллаларда бўлиб, партиямиз Дастури, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилаяпмиз. Жумладан, яқинда алоқа коллежида бўлиб ўтган давра суҳбати тўпланганларда катта таассурот қолдирди. Унда юзга яқин талабалар иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ҳар байрам арафасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногирон болаларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга партия номидан совғасаломлар тарқатамиз. 1 июнь — болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни муносабати билан Балиқчи ва Олтинкўл туманларидаги боғча тарбияланувчилари учун ҳайрия концерти ташкил этдик. Унда марказимиз тарбияланувчилари ҳам қатнашиб, ўз қўллари билан тайёрлаган ўйинчоқларни болажонларга тақдим қилишди ва катта дастурда ҳайрия концерти намойиш этишди. Ана шу мақсадлар учун 500 минг сўмга яқин маблағ сарфланди. "Иттифоқ" сайлов округи ҳудудидаги 2 та болалар боғчасини оталиққа олиб, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам кўрсатаяпмиз. Деҳқонобод, Маданият ва Иттифоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ҳомийлар кўмаги билан замонавий спорт майдончалари барпо этилмоқда.

БПТ раисининг фикрича, одамларда тадбиркорлик кўникмаларини чуқурлаштириш, партиявий-сиёсий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, фаоллар сафини кенгайтириш учун ҳали кўп тер тўкишимиз лозим. Бу, биринчи навбатда, фаоллардан алоҳида масъулият талаб этади. Зеро дилда ғайрат ва иштиёқ бўлса, ҳар қандай ишни уддаласа бўлади.

— Тарбия масканимизда 40 нафар болалар умумтаълим дастури доирасида компьютер саводхонлиги, инглиз ва рус тиллари, тасвирий санъат, хореография, мусиқа, гимнастика сир-асрорларини ўрганишади, — дейди партия фаолларидан бири, катта ҳамшира Гулнора Ғаффорова. — 20 нафар юқори малакали тарбиячилар уларнинг тарбияси билан машғул. Ёшларга ҳар жиҳатдан пухта билим бериш, уларни эркин фикрлашга ўргатиш асосий мақсадимиздир. Машғулотлар давомида миллий урф-одатлар, қадриятлар, бой маънавий меросимиз асослари ҳақида кенг тушунча берилаяпти.

Аброр Анорбоев, Дурдона Шамсиддинова, Ольга Подковина, Исмоил Мўминов каби педагогларимиз ёшлар билан доимий равишда иш олиб бориб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Ўтган йили биринчи "қалдирғочлар" билан хайрлашишимизга тўғри келди. Лекин уларни бошқа мактабларга "юбориш"га кўзимиз қиймади: ўзимизда иккита бошланғич синф ташкил этишга қарор қилдик.

Бу ҳам ғамхўрликнинг бир кўриниши, албатта. Муҳаббат Қодировани вилоятда кўпчилик нафақат ишчан тадбиркор, балки яхши тарбиячи ва ташаббускор раҳбар сифатида ҳам ҳурмат қилади. У мазкур тарбия муассасасини қабул қилиб олганда, аҳвол ачинарли даражада эди. Қурувчилар, ота-оналар, партия аъзолари ва ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракати билан бино қайта таъмирланди, янги ўқув қуроллари, замонавий мебеллар, спорт анжомлари билан жиҳозланди. Эндиликда ўқув масканидаги саранжом-сарištалик ва озодаликни кўрган одамнинг кўнгли яйрайди. Шинам хоналарнинг бири бошланғич партия ташкилоти учун ажратилган. Бу ерда Президентимиз асарлари, Фармонлари, ҳукумат қарорлари, вилоят ва марказий нашрлар, шунингдек, O`zLiDeP Дастури, низоми ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан танишиш ва улардан эркин фойдаланиш мумкин.

— Партиямиз ўзининг ҳаётий ғоялари ва амалий ишлари билан омма орасига тобора чуқурроқ кириб бормоқда, — дейди М. Қодирова. — Унга аъзо бўлиб, хато қилмаган эканман. Ҳозирги кунда 12 киши бошланғич ташкилот ҳисобида туради: Партия ишларидан четда қолган бирорта одам йўқ. Даврнинг ўзи барчамиздан сиёсий фаоллик ва ташаббускорликни тақозо этмоқда. Шундай экан, барча соҳада қатъият билан иш юритиш, партиямизнинг жамиятдаги обрў-эътиборини ошириш бирдан-бир мақсадимиз бўлиши лозим.

Муҳаббат ҚОДИРОВА, 1962 йили Андижон шаҳрида туғилган. Андижон чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили факультетини тамомлаган. Халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати. Ҳозирда "Наврўз-болажон" хусусий мактабгача таълим-тарбия маркази раҳбари, бошланғич партия ташкилоти раиси

ОДАМЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ПАРТИЯВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАРНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ, ФАОЛЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН ҲАЛИ КЎП ТЕР ТЎКИШИМИЗ ЛОЗИМ.

Ҳар қандай партия ўз фаолиятини жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари орқали амалга оширади. Чунки партиянинг ушбу бўғини доимо кенг омма орасида, ўз фаолиятини ҳам аҳоли хоҳиш-истакларини яқиндан ўрганган ҳолда юришади. Шу боис, O`zLiDeP бошланғич ташкилотлар ва уларнинг етакчилари фаолиятига алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Аҳиллик бўлган жойда

янги муваффақиятларга эришилаверади

Ўз мухбиримиз

Партиянинг Чилонзор тумани кенгашида бўлганимизда, бошланғич партия ташкилотлари орасида туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими қошидаги ташкилот олиб бораётган ишлар ҳақида ижобий фикр билдиришди.

— Ибодат Пошшохўжаева ҳамкасблари орасида алоҳида ҳурматга эга, — дейди бўлим бошлиғи Бурҳон Холмуродов. — Тиришқоқ, изланувчан, ташкилотчи аёл. Жамоамиз қошида бошланғич ташкилот тузилган вақтда сафдошлари уни ўзларига етакчи этиб сайлаганларининг боиси ҳам ана шунда.

Бошланғич ташкилот фаолиятини ўрганиш асосида биз ҳам Ибодат опанинг яхши мутахассис ва тиниб-тинчимас ташкилотчи эканлигига гувоҳ бўлдик.

— Бўлимимизда 30 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади, — дейди у биз билан суҳбатда. — Уларнинг ярмидан кўпи O`zLiDeP аъзоларидир. Сафдошларимизнинг аксарияти олий маълумотли, теран фикр юритадиган, сиёсий онги юқори инсонлардир. Шу боис тарғиботташвиқот ишларини самарали олиб бориш, O`zLiDeP ғояларини аҳоли онгига сингдиришда қийинчилик сезмаяпмиз.

Иккинчи томондан, иш фаолиятимиз айнан партия Дастурида белгиланган ғоялар билан ҳамнафаслиги ҳам жуда қўл келаяпти. Чунки аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш O`zLiDePнинг биринчи даражали вазифаларидан ҳисобланади.

Бевосита иш фаолиятимизга келадиган бўлсак, жамоамиз томонидан жорий йилнинг етти ойи мобайнида бўлимимизга мурожаат этганларнинг 717 нафари ишга жойлаштирилди, 157 нафари эса қайта касб эгаллашга йўналтирилди. Қолганларига бўлим томонидан вақтинча моддий ёрдам пули ажратилди. Мурожаат этганларнинг 60 фоизи ёшлардир.

O`zLiDeP туман кенгашидагилар бўлим қошидаги бошланғич ташкилот ташаббуси билан туманда болалар спортини янада оммалаштириш бўйича олиб борилаётган ишларга ҳам юқори баҳо беришди. БПТ ва унинг фаоллари мактабларарo, шунингдек, маҳаллалар болалари ўртасида ўтказилаётган мусобақаларга ҳомийлик қилишда бошқа корхона ва ташкилотларга ўрнак бўлишаётганини фахрланиб гапиришди. Бундан ташқари, "Кўтарма", "Мевазор", "Наврўз" маҳаллаларида ўтказилган очиқ мулоқотлар чоғида партия дастурий ғояларини халққа етказиш бўйича олиб борилган ишлар ҳар қанча ўрнак олса арзигулик эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Партиявий иш яхши йўлга қўйилган, бурч масъулиятини чуқур ҳис қиладиган фаоллар жам бўлган ташкилотда эса ҳамиша муваффақият қозонилаверади.

Ибодат Пошшохўжаева етакчилигидаги бошланғич партия ташкилотининг тажрибаси бунинг ёрқин далилидир.

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

ФЕРМЕРЛИК

Мўъжизага ўхшайди

Ғузорлик фермер Ғайрат Пўлатов гиёҳ ўсмаган ерларда ҳам боғ яратди

Ғузорлик Ғайрат Пўлатов ҳам юртимиз равнақи йўлида бел боғлаган фидойи инсонлардан биридир. У 32 йилдирки, ер билан тиллашади. Қандай экин экмасин, ундан ҳамиша юқори ҳосил олади. Ёшлигидан ерга меҳр қўйган йигит Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўқиб, деҳқончилик илмини ҳам яқиндан ўрганди.

Зумрад АБРОРОВА, Сайфулла ИКРОМОВ, Каҳрамон ҚЎЛДОШЕВ, «XXI asr» мухбирлари

Бундан икки йил муқаддам "Шоймардон бобо Пўлат ўғли" фермер хўжалигига асос солиб, ҳақиқий мулкдор — қишлоқ тадбиркорига айланди. 44 гектар сувли, 105 гектар лалми ерда деҳқончилик қилди. Фермерликнинг биринчи йили жуда омадли келди. Олинган соф фойда эвазига келаси йили яна 50 гектар лалми майдонга сув чиқарди. Ер билан тиллашишнинг ҳадисини олган йигитнинг хирмони янада баланд бўлди. Агар 2004 йили 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45,8 центнердан пахта ҳосили олган бўлса, ўтган йили экин майдонини 10 гектарга кўпайтириб, ҳосилдорликни 51 центнерданга етказди. Бу йил 120 гектар ерда ғўза ниҳоллари парвариш қилинаётир. Ўзининг айтишига қараганда, ялпи хирмон 600 тоннадан кам бўлмайди. Ғаллачиликдаги ютуқлари ҳам чакки эмас. 2004 йил 13 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 65, 2005 йилда 30 гектар ердан режадаги 40 ўрнига 68 центнердан сара дон олинди. Бу йил эса, ҳосилдорлик 70 центнердан ошди.

Ҳалол меҳнат туфайли олинаётган даромад ҳам йил сайин кўпайиб, ишловчиларнинг моддий манфаатдорликлари ошиб бораётир. Пахтачиликдан фермер хўжалиги ташкил этилган йили 74 млн. 592 минг сўм, ўтган йили 91 млн. 40 минг сўм даромад олинганди. Фермернинг бу йилги нияти баланд: 217 млн. 200 минг сўмлик даромад қилиш ва соф фойдани 152 млн. 700 минг сўмга етказиш.

Ғайрат ака муваффақиятга эришишнинг энг муҳим омилларидан бири етарли техника воситаларига эга бўлиш эканлигини яхши билади. Шу боис, ўтган икки йил мобайнида топган пулига трактору тиркама, турли мосламалар сотиб олди. Шу боис у бошлиқ фермер хўжалигида далаларга ишлов бериш, экин экиш ва ҳосилни йиғиштириб олишда ҳеч қандай қийинчилик йўқ. Аксинча энг қизғин дамларда қўшни фермерларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

— Яқинда вилоятимиз ҳокими даламизда бўлиб, меҳнатимизга юқори баҳо бердилар. Бундан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди фермер хўжалиги иш юритувчиси Абдураҳмон Қўйлиев. — Ютуқларимизнинг сири эса оддий: бизда шудгорлашдан тортиб, ҳосил йиғим-теримигача барча агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилади. Айниқса, ерни сифатли шудгор қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Минерал ва маҳаллий ўғитни аямаймиз. Галла майсалари ва ғўза ниҳоллари икки бор шарбат усулида суғорилади. Ҳар 40 гектар майдонга биттадан ишлов техникаси ажратилган бўлиб, мавсумда бир зум ҳам тўхтамайди. Чунки хўжалигимиз уруғчиликка ихтисослашган. Сара уруғ етиштириш эса осон эмас.

Абдураҳмон аканинг айтишига қараганда, фермер хўжалигига ўтгунга қадар, узоқ йиллар қишлоқ хўжалигида ишлаган, аммо ҳозиргидай барака топмаган экан.

— Мустақил иш бошлаганимизга уч йил бўлаяпти. Илғор ишчиларнинг ойлик маоши 200 минг сўмдан ошаяпти. Самарали ишлаш ва вақтида дам олиш учун барча шароит яратиб берилган. Шу боис Райим Қулбоев, Панжи Бобожонов, Раъно Муродова, Нафиса Раймқулова, Нормўмин Неъматов, Бегимой Бобожонова ва бошқалар зиммаларидаги топшириқларни сидқидилдан адо этишмоқда.

Ғайрат фермернинг — қўли очиқ. У ўз даромадининг бир қисмини ёрдамга муҳтожларга улашиб, мискинларнинг дуосини олиб келаётган бағрикенг инсон. У эришаётган ютуқларнинг яна бири айнан ана шунда бўлса ажаб эмас. У айни пайтда Пачкамар, Қорайли қишлоқларида истиқомат қилаётган 40 нафар кам таъминланган оилани ўз оталиғига олган. Ҳамиша улар ҳолидан хабар олиб, кўнгилларини кўтариб туради. Болалар спортини ривожлантириш, ёшлар ўртасида ўтказилаётган мусобақаларга ҳомийлик қилиш, қишлоқларни ободонлаштиришда ҳам хизматлари катта.

Замонавий ўзбек ишбилармони тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳозирда фермер хўжалигида 120 нафар киши иш билан таъминланган. Улар ўртача 110 минг сўмдан маош олишади. Меҳнат қилишлари, дам олишлари учун барча шароит муҳайё. Фермер бизга қурилиши тугалланиш арафасида турган икки қаватли дала шийпонини кўрсатди. Замонавий меъморчилик андозалари асосида барпо этилган мазкур даргоҳда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилаётган экан. Ҳадемай, бу ерда ётоқхона, мажлислар зали, маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, ювиниш, ҳордиқ чиқариш каби 20 га яқин хоналар ишга туширилади.

— Умримнинг асосий қисми чигит экиб, ғўза суғориш билан ўтаяпти, — дейди Ғайрат ака. — Ерни ширкат хўжалигидан қабул қилиб олганимизда, дала шийпонимизда мутлақо шароит йўқ эди. Дарахтларнинг тагида тушлик қилардик. Истиқлол туфайли далада ана шундай кошона қуриш имкониятига эга бўлдик. Хўжалигимиз аъзолари данғиллама иморат солиб, тўйлар қилишаяпти. Чунки улар яхши ишлашади ва шунга яраша яшашга ҳақлилар. Янги шийпонимизда алоҳида тиббиёт хонаси ташкил этиб, малакали шифокорни ишга таклиф этиш ниятидаман.

ИСТИҚЛОЛ МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧДИ. ОЗОД ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ ЯНАДА ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ ЙЎЛИДА ТЕР ТЎКАЁТГАН ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ЭСА ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИГА АЙЛАНДИЛАР.

Бундай имкониятларга эга бўлганимиз ва, энг аввало, осуда, тинч ҳаётимиз учун Президентимизга раҳматлар айтамиз. Аждодларимизнинг орзуси ушалган энг улуғ ва азиз байрамимизнинг 15 йиллиги арафасида ушбу қутлуғ санани баракали меҳнатимиз билан қарши олаётганимиздан, озод ва обод Ўзбекистонимизни янада гуллаб-яшнашига имкон қадар улуш қўшаётганлигимиздан беҳад шодман.

Ғайрат фермер бугунги ютуқлари билан кифояланиб, хотиржам яшайвериши ҳам мумкин эди. Аммо у бундай қилолмайди. Исми — феълига монанд. Сира тиниб-тинчимайди.

— Экин майдонларини янада кенгайтирамиз. Олинган фойданинг бир қисмини чорвачиликни ривожлантиришга сарфлаймиз, — дейди у. — Хориждан зотдор моллар олиб келамиз, ўзимизнинг ҳисори қўйларни кўпайтираяпмиз. Янги молхонамиз битай деб қолди. Чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар, миницехлар учун замонавий технологияларни келтириб, ишга соламиз. Бунинг учун маблағимиз етади. Яқин йилларда 300 кишини иш билан таъминлаш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлай бошлаймиз. Унгача боғларимиз ҳам ҳосилга кириб қолади.

Ҳа, айтгандай, Ғайрат Пўлатов "Ғузор-Деҳқонобод" йўли атрофидаги ташландиқ ерларда боғ яратиш ташаббуси билан чиққанида, кўпчилик сувсиз, бунинг устига шўрланган жойда ниҳол кўкаришига ишонмаган эди. Икки йилда 10 гектар майдоннинг шўри ювилиб, сархил дарахт кўчатлари қадалди. Бу йил фермер ташаббуси билан яна 22 гектар ернинг шўри ювилиб, минглаб туп ниҳол экилди. Келгусида яна 20 гектар узумзор ва 20 гектар мевали боғ яратиш учун ишлар бошлаб юборилган. Дастлабки йил экилган ниҳоллар эса, нишона ҳосил кўрсатди. Сахий қуёш нурида ҳил-ҳил пишган сархил меваларни кўриб, кўзингиз қувнайди.

Бу мустақиллик мўъжизалари Ғайрат фермер машаққатли меҳнатининг самарасидир.

КУТЛОВ

Асосий ишлар ҳали олдинда

дейди АТ «Микрокредитбанк» Косон туман бўлими ҳузуридаги бошланғич партия ташкилот етакчиси Даврон Авазовнинг фикри ана шундай

Замонга қараб бугун сиёсий онгу ва дунёқарашимиз ўзгариб бормоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг дастурий ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилиш АТ "Микрокредитбанк" Косон туман бўлими бошланғич партия ташкилоти аъзоларининг саъй-ҳаракати билан жойларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

■ **Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири**



Даврон АВАЗОВ,
1964 йили Косон туманида туғилган. Қарши Давлат университетининг молия-кредит факультетини тамомлаган. Айни кунда АТ "Микрокредитбанк" Косон туман бўлими катта мутахассиси, бошланғич партия ташкилоти раиси.

Бошланғич партия ташкилоти йиғилишлари уюшқоқлик руҳида ўтиб, уларда кундалик муҳим вазифалар, шунингдек, айрим фермерларни қийнаб келаётган минерал ўғит, ёқилғи, сув танқислигини бартараф қилиш, мавжуд ички маблағлардан эркин фойдаланиш, ёш авлод қалбига миллий истиқлол ғоясини чуқурроқ сингдириш, уларни зарарли ахборот хуружларидан муҳофаза қилиш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинади ва тегишли тадбирлар белгиланади. Фақат шугина эмас. Партиядошлар томонидан мустақилликнинг 15 йиллигига бағишлаб жойларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, турли учрашувлар ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдираяпти.

— Бугунги кунда банкимиз 1962 мижозга хизмат кўрсатмоқда, — дейди "Микрокредитбанк" АТ туман бўлими бошқарувчиси Бобомурод Умиров. — Шундан 1076 таси фермер хўжаликлари ҳисобланади. Хизмат сифати ва маданиятини ошириш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир. Жамоамиз асосан олий маълумотли ташаббускор ёшлардан иборат. Хусусан, Зафар Усмонов, Нилуфар Қудратова, Абдулла Кўчаров, Элёр Раҳмонов каби O`zLiDeP аъзолари ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этиш билан бирга фермерларнинг ҳуқуқий билим даражасини ошириш, ажратилаётган кредит маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Жорий йилда фермер хўжаликларини ривожлантириш учун 2158,2 млн. сўм миқдордаги кредит маблағлари йўналтирилди, тўрт нафар фермерга трактор сотиб олишда яқиндан ёрдам кўрсатилди. Келгусида туман марказидан узоқдаги қишлоқларда янги минибанклар ташкил этиш, фермерлар учун қўшимча қулайликлар яратиш кўзда тутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, туманда қўли гул чеварлар, косиблар, ҳунармандлар, деҳқончилик ва чорвачилик ҳадисини олган миришкор инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг тўла оёққа туриб олишлари учун қўшимча сармоя керак, албатта. Бу масала банк жамоасининг диққат марказида турибди. Жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, бандлик даражасини ошириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Зеро эркин меҳнат фаолияти янги ютуқларга йўл очибгина қолмай, кишилардаги ички истеъдод ва ташаббускорлик лаёқатини ҳам рўёбга чиқаради. Партия сафлари ўз келажаги ва орзу-умидларини O`zLiDeP дастурий мақсадлари билан боғлаган ижтимоий фаол, сиёсий етук, ташкилотчи инсонлар ҳисобига кенгайиб бораётганлиги эътиборга лойиқдир.

— Ҳар қандай банк мижозларга хизмат кўрсатишдан манфаатдор, - дейди партия фаолларидан бири Жамшид Ширинов. — Буни ўз тажрибамиздан яхши биламиз. Ўтган давр мобайнида техника воситалари сотиб олиш учун ўттизга яқин фермерга тегишли миқдорда кредит ажратилди. Тушган аризалар, энг аввало, бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилинади ва уларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилади. Мисол учун, фермер битта партия аъзосига бириктирилади ва унинг иқтисодий аҳволини ўрганиш партиявий топшириқ сифатида берилади. Ўтган йили фермер Самадилла Неъматиллаевнинг мурожаатини кўриб чиқиш менга топширилган эди. Техника воситаси йўқлиги сабабли хўжаликдаги ишлар орқага сурилаётганлиги, соҳадан кўнгилдагидек даромад олинмаётганлиги маълум бўлди. Шундан келиб чиқиб, "Шойқулов Неъматилло бобо" фермер хўжалигига лизинг асосида МТЗ-80 трактори сотиб олишда яқиндан кўмаклашдик. Самара чакки эмас. Ташаббускор фермер пахта ва ғалладан юқори ҳосил кўтариб, 2005 йилни 20 млн. сўм соф фойда билан якунлади. Давлатга ғалла сотиш шартномавий режаси ҳам ошиғи билан адо этилди. Айни кунда 40 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмоқда. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да фермер 30 млн. соф фойда олишни, унинг бир қисмини хайрия мақсадлари учун сарфлашни, сут ва жунни қайта ишлайдиган кичик цехлар барпо этишни дилига туккан.

Яхши ният — ярим мол, дейдилар. Интилган ўз муродига етади, албатта. Қоларверса, БПТ сафларида Муродилла Неъматиллаев, Жасур Ғиёсов, Умидилла Самадиллаев, Феруза Гулжаҳонова, Акбар Соҳибов, Нодир Унумов, Нодира Неъматиллаева каби фаоллар кўп бўлиб, улар аҳоли сиёсий маданиятини ошириш, партиянинг ғоявий мақсадларини кенг тарғиб қилиш йўлида куч-ғайратлари, билим ва маҳоратларини аямаётирлар. Зеро O`zLiDePнинг мавқеи мустаҳкамлангани сари тарафдорлар сафи ҳам кенгайиб бораверади. Арабхона қишлоғида яшовчи У. Самадиллаев ҳалол меҳнати орқали эл ҳурматига сазовор бўлган инсонлардан. У 30 нафар фермернинг бошини бир жойга қовуштириб, ободончилик, хайру саховат, бунёдкорлик ишларининг ташаббускори бўлмоқда. Қишлоқ муаммолари ҳам унга бегона эмас. O`zLiDeP аъзоси билим масканлари, шифохоналарда тез-тез бўлиб, ночорларга беғараз ёрдам ва ҳиммат кўрсатишдан чарчамайди.

— Биз, либерал-демократлар мамлакатимизда юз бераётган иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларнинг оддий кузатувчиси эмас, аксинча, фаол иштирокчиси, эл-юрт равнақи йўлидаги эзгу ишларнинг ташаббускори бўлишимиз керак, — дейди бошланғич партия етакчиси Даврон Авазов. —Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, маҳаллий хом ашё асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш фаровонлик гаровидир. Бу борада, шубҳасиз, партия фаоллари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Янги-янги тадбиркорлик субъектлари майдонга келаётганлиги туфайли жойларда ишсизлик камайиб, турли ҳаётий муаммолар ўз ечимини топмоқда. Энг муҳими, биз бугунги янгиланишлар моҳиятини одамлар онгига чуқурроқ сингдиришимиз керак. Ана шунда кўзланган мақсадларга эришиш осонроқ кўчади.

ЖОРИЙ ЙИЛДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА 2158,2 МЛН. СЎМ МИҚДОРДАГИ КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ ЙЎНАЛТИРИЛДИ, ЎТТИЗДАН ЗИЁД ФЕРМЕРГА ТРАКТОР, ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН ТЕГИШЛИ МИҚДОРДА КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ.

Банк қошида сиёсий-иқтисодий ўқув машғулотлари йўлга қўйилган. Уларнинг таъсирчанлиги ва мазмундорлигини оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Тўғри, мулкдорлар орасида тарафдорларимиз, яъни партиямизнинг мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг фикрлайдиган билимдон инсонлар кўпчилик. Уларни ўз ғоявий мақсадларимизга ишонтиришимиз, сафларимизга фаолроқ жалб қилишимиз керак. Тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда O`zLiDeP нашри — "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси жуда қўл келмоқда. Унинг саҳифаларида ёритилаётган мавзулар кишини бефарқ қолдирмайди. Очиғини айтиш керак: партия ҳаётига оид танқидий мақолалар камдан-кам берилади. Бу тўғрими ёки нотўғрими? Фикримизча, тўғри эмас. Ҳақиқатни яширмасдан айтадиган замон келди. Қоларверса, бу иш манфаати учун жуда зарур. Бошланғич партия ташкилотлари етакчилари фаолияти жиддий синовдан ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, қуйи бўғин партиянинг асосидир. Шу билан бирга партия фидойи, жонкуяр аъзоларини рағбатлантириш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш, "O`zLiDeP фаоли" кўкрак нишонини таъсис этиш вақти келди, деб ўйлайман.

БПТ етакчисининг бу фикрларини бошқалар тўлдиришди, муҳим таклифларни ўртага ташлашди. Эътиқоди бут, фикри уйғоқ одамлар эса жамиятимизнинг маънавий таянчидир. Ҳа, мижозларнинг ушбу молия муассасасига бўлган ишончи ортиб бораётганлиги бежиз эмас. Зеро сиёсий фаоллик ва ҳамжиҳатлик қарор топган жойда янги муваффақиятлар қўлга киритилаверади.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар кўплаб муҳим масалаларни кун тартибига қўймоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши ана шундан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилаётир.

Мамлакат келажаги учун масъулмиз

■ **Илҳом МАМАТҚУЛОВ, O`zLiDeP Жиззах вилояти кенгаши раисининг ўринбосари**

Ҳозирги кунда вилоятда 7000 га яқин партия аъзоси бўлиб, улар 354 та бошланғич ташкилот атрофига уюшишган. Аъзоларнинг 42 фоизини ёшлар, 33 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Партия фаолиятини такомиллаштириш, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришда жойларда ўтказилаётган сайёр йиғилишларнинг аҳамияти катта бўлаётир. Айни кунгача вилоятнинг Зомин ва Мирзачўл туманларида ана шундай учрашувлар ташкил этилди, уларда партия ҳаёти билан боғлиқ муҳим таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Кенгаш ҳузуридаги Сиёсий таълим марказида O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари учун доимий семинар-ўқувлари йўлга қўйилган. Улар долзарб мавзуларга бағишланган бўлиб, тингловчиларда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш БПТ раҳбарлари ҳамда партия фаоллари олдида турган асосий вазифалардан биридир. Улар иштирокида ўтказилаётган уч босқичли машғулотлар давомида тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, мустақиллигимизга қарши қаратилган турли хавф-хатарлар, информацион тажовузларга қарши курашиш, жойларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини ошириш, ёш авлод онгига миллий истиқлол ғоясини чуқур сингдириш каби долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ушбу ўқув-машғулотлари жорий йилнинг 27 августигача давом этади.

Маълумки, эркин демократик жамиятни шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўрин тутади. Шу йилнинг май-июнь ойларида ўтказилган маҳалла раислари (оқсоқоллари) ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови вилоятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида сезиларли из қолдирди. Сайлов натижаларига кўра, кўплаб O`zLiDeP аъзолари раис ва маслаҳатчи лавозимларига лойиқ, деб топилдилар.

Партия вилоят кенгаши кейинги пайтда асосий эътиборни жойларда мафкуравий тарғиботни кучайтиришга, фаолларнинг бу борадаги масъулиятини янада оширишга қаратмоқда. Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида лицей ва коллеж, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Ёш мафкурачилар", "Мулоқот", "Ёш сенаторлар", "Ёш сиёсатчилар" клублари ташкил этилаётганлиги айни муддаодир. Ўтган қисқа вақт мобайнида ушбу клублар томонидан "Ўзбек ўғли", "Ўзлигингни унутма", "Эгали юрт эркини бермас" мавзуларида бир қатор давра суҳбатлари ташкил этилди.

Мамлакат келажаги — ёшлар қўлида. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда тадбиркорлик борасидаги кўникмаларини ошириш, жамоат ишидаги иштирокини қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. "Ишбилармон ўқувчи" танловининг туман ва Жиззах шаҳар босқичи ниҳоясига етди. Унинг натижаларига кўра, 42 нафар ғолиб танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан тегишли режаларни белгилаб олганмиз. Айни кунларда уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги, маданий савиясини бойитиш мақсадида маҳаллаларда, таълим муассасаларида "Ўз ҳуқуқингизни биласизми?", "Аёл ва ҳуқуқ", "Ҳуқуқий маданият нима?" каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилаяпти. "Аёллар қаноти" гуруҳи партия аъзолари бўлган хотин-қизлар орасидан фаол, жонкуяр, юксак эътиқодли кадрлар захирасини яратишга жиддий аҳамият бермоқда.

Қисқа қилиб айтганда, O`zLiDeP вилоят кенгаши ўз олдида турган вазифаларни тўлақонли адо этиш, Ватан тараққиёти, юрт осойишталигига муносиб ҳисса қўшиш учун барча имкониятлардан фойдаланаяпти. Кўп сонли фаолларимиз бу борада бизга яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ислоҳ қилиш — фуқаролик жамияти шароитида бевосита демократияни амалга оширишнинг асосий йўлидир. Партия маҳалланинг шахс, давлат ва жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, гуманитар муаммоларини самарали ҳал этишга қодир бўлган фуқаролик жамиятининг етук тизими эканини ҳисобга олган ҳолда, унинг ҳуқуқи, мақоми ва моддий асосини мустаҳкамлаш тарафдоридир.

O`zLiDeP дастуридан

Илова учун масъуллар:
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ

ЮКСАЛИШ ва тараққиётнинг мезони - тажриба

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

ТАРАҚҚИЁТ

Франция: Европадаги энг йирик аграр мамлакат

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Европа давлатлари, шу жумладан, Франция билан юқори даражадаги сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилди. Бироқ ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарига келиб, икки мамлакатнинг ўзаро алоқаларида бироз пасайиш суръати кузатилди. Шу муносабат билан президент Жак Ширак ҳукуматга мурожаат қилиб, Марказий Осиёда муҳим ўрин тутувчи Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлагани бежиз эмас. Орадан кўп ўтмай, француз ҳукумати аъзоларининг мамлакатимизга қатор ташрифлари амалга оширилди. Айни кунда ўзаро ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон, шак-шубҳасиз, Европа Иттифоқи таркибидаги йирик мамлакатлардан бири — Франция билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришдан тўла манфаатдор. Бинобарин, унинг кўп тармоқли иқтисоди, саноати, хусусий ва кичик бизнес соҳасидаги бой тажрибаси кўпчиликни қизиқтиради, деб ўйлаймиз.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ



Маркс ЮСУПОВ коллажи

Мўътадил иқлими ва серҳосил замини туфайли Франция кўп асрлардан бери қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори натижаларга эришиб келмоқда. Шимолда буғдой, шакарқамиш, сабзавот ва олма етиштирилса, жануби-шарқий ўлкаларда сариёғ ва пишлоқ ишлаб чиқарилади. Муҳим саноат тармоғи — виночилик учун хом ашё етказиб берадиган боғ-роғларни мамлакатнинг барча ҳудудларида учратиш мумкин.

Францияда балиқчилик, ўрмон саноати ҳам ривожланганлиги, мамлакат умумий майдонининг чорак қисмини қуюқ ўрмонзорлар эгаллаганини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Саноат корхоналарида, асосан кимёвий дорилар, тўқимачилик маҳсулотлари, самолётлар, фазовий кемалар ва экспортбоп электр жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Аҳолининг ярми хизмат кўрсатиш соҳаси — савдо, тиббиёт, таълим, молия ва сайёҳлик тизимларида банд.

Франция ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда еттинчи ўринда туради. Ҳудуди 551 минг кв.км., аҳолиси 57 млн. кишидан зиёдроқ. Иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича Германия ҳамда Норвегия, Дания, Швейцария, Люксембург каби мамлакатлардан бироз ортда. Шундай бўлсада, Ғарбий Европа бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 17 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 20 фоизи Франция ҳиссасига тўғри келади.

Тўғри, "катта саккизлик" аъзоси бўлмиш бу мамлакат юксак тараққиёт даражасига эришиш йўлида қатор муаммоларга дуч келди. Масалан, ўтган асрнинг 80-йиллари иқтисодий ўсиш суръатининг секинлашуви, оммавий ишсизлик, давлат бошқарувининг кескин алмашинуви билан характерланади. Ушанда жаҳон хўжалигини қамраб олган инқироз француз саноатини ҳам четлаб ўтмади. 1986 йилдан кейингина мамлакат ўз қаддини тиклай бошлади. Ишлаб чиқаришни марказлаштириш ҳамда хўжалик ижтимоий тизимида амалга оширилган қайта қуриш жараёнлари бу борада қўл келди. Айни кунда 100 та йирик компания улушининг аксарият қисмини ўз назоратига олган. Масалан, қора металлургия тармоғида иккита йирик компания — "Юнизор" ва "Сасилар" пўлат (70 фоиз), "Компани женераль д'электрисите" (КЖЕ), "Томсон" компаниялари электрон ва электротехник жиҳозлар ишлаб чиқариш (50 фоиз), "Рено" ва "Пежо" автомобилсозлик соҳасида етакчи ўринларни эгаллайди.

Мамлакатда юз берган капиталнинг интернационаллашув жараёни қудратли трансмиллий компаниялар учун иқтисодий замин яратмоқда, дейиш мумкин. Масалан, "Инсталь" 25 мамлакатдаги 62 та жамиятни бирлаштириб турибди. "Рено" автомобилсозлик компанияси ишлаб чиқариш қувватининг 45 фоизи ва ишчи кучининг 25 фоизи хориждаги корхоналарда тўпланган. Капиталнинг миллий ва халқаро даражада марказлашуви бир қатор компанияларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Мисол учун "Пешино" компанияси қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринга чиқиб олди. "Ашет", "Кабль де Лион" фирмалари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. "Аэроспасиаль" ва "Дассо Бреге" саноат компаниялари эса, авиакосмик жиҳозлар ишлаб чиқариш соҳасида юқори натижаларга эришмоқда. Жаҳондаги 100 та энг салмоқли компаниялар рўйхатига Франциядаги 8 та бирлашма, 50 та йирик банклар сирасига 6 та француз банклари ҳам киритилган.

Кузатувчиларнинг фикрича, қудратли молиявий тузилмалар мамлакат иқтисодий сиёсатини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Йирик компаниялар манфаатларини ҳимоя қиладиган тадбиркорлар миллий кенгаши (Патронат), шунингдек, тармоқлараро ва минтақавий ташкилотлар ҳукуматга таъсир кўрсата олиш имкониятига эгадир.

Франция иқтисодиётида кичик бизнес катта роль ўйнайди. Лекин бу соҳада ўзига хос муаммолар ҳам оз эмас. Жумладан, рўйхатга олинадиган корхоналарнинг 30 фоизи икки йилга ҳам бормайди. Умуман, мамлакатда банкротлик оддий ҳол саналади. Иш бошлаш учун дастлабки ва айланма капиталнинг етишмаслиги янги компаниялар фаолиятига хос асосий белгидир. Шунинг учун кўпчилик ўзини хизмат кўрсатиш ва савдо соҳасига уради.

Ҳукумат томонидан кичик ва ўрта бизнес соҳасига жиддий эътибор қаратилаётган бўлса-да, ҳозирча самара кутилганидек эмас. Мамлакатда кичик ва ўрта бизнес, савдо ва ҳунармандчилик муаммолари билан шуғулланадиган алоҳида вазирлик мавжуд. Унинг фаолият доираси анча кенг. Кичик ва ўрта корхоналарга ёрдам кўрсатиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Унинг охирги варианти Франция парламентининг махсус йиғилишида, 2002 йил октябрда илгари сурилган эди. Тадбирга таклиф этилган ўша пайтдаги бош вазир Жан Пьер Раффарен ўз чиқишида давлат дастурининг асосий йўналишлари ҳақида фикр юритаркан: "Биз кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасида олдимизга катта мақсадларни қўймоқдамиз. Бундай корхоналар қанча кўп бўлса, иқтисодиётимиз шунча тез ривожланади. Яқин 5 йил ичида Францияда камида 1 миллионта кичик ва ўрта компаниялар янгидан ташкил топишини истаймиз", деган эди.

Парламентга тақдим этилган ушбу дастур, энг аввало, ҳар йили жойларда 200 мингта янги корхона барпо этиш ва улар фаолиятини такомиллаштиришга яқиндан ёрдам кўрсатишни назарда тутади. Давлат ҳам қараб турмайди, албатта. Янги иш бошлаган фуқароларга 6 ойлик ўртача маош миқдорида ёрдам пули ажратилади. Рўйхатдан ўтган кичик ва ўрта корхоналарни жадаллик билан молиялаштириш иккинчи асосий масаладир. Ҳозирги кунда мамлакат фуқаролари томонидан ажратилаётган инвестицияларнинг 17 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. 50 та йирик ташкилот ушбу соҳани молиялаштириш билан шуғулланади. Улар орасида кредитларни кафолатлаш миллий жамғармаси, минтақавий тараққиёт жамияти, саноатни ривожлантириш институти, ихтироларни молиялаштириш компанияси бор. Шунингдек, 1996 йилдан бери Францияда кичик ва ўрта корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга ихтисослашган махсус банк фаолият кўрсата бошлади. Ушбу молиявий муассаса корхоналарга фоизсиз ссудалар, айрим ҳолларда 30 минг евро миқдорида субсидиялар ажратиш ваколатига эга. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун имтиёзли солиқ тизимини ишлаб чиқиш, малакали раҳбар кадрлар захирасини яратиш ҳам муҳим масалалар қаторида туради. Эксертларнинг фикрича, 2013 йилгача 500000 дан ортиқ корхона раҳбарлари нафақага чиқиши керак. Демак, ёш мутахассислар орасидан шунча миқдорда раҳбар ходимлар тайёрлаш талаб этилади. Ҳукумат мазкур мақсадлар учун 30 млн. евро миқдорида маблағ ажратишни режалаштирган.

Ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнес соҳасида 15 млн. киши меҳнат қилмоқда. Бу, иш билан банд бўлганларнинг 54 фоизи, демакдир. Улар куч-ғайрати билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакат ЯИМнинг 55-62 фоизини ташкил этади. Мамлакатдаги мавжуд кичик корхоналар сони ҳар минг кишига 35 тадан тўғри келади. Бу, Европа Иттифоқидаги энг паст кўрсаткичлардан биридир. Шунинг учун ҳукумат кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга жиддий аҳамият бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий сиёсат соҳасида давлат секторининг ҳам алоҳида ўрни бор. Моддий капитални янгилаш, ишлаб чиқариш миқёсларини кенгайтириш, янги технологияларни ўзлаштириш, илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш билан боғлиқ масалалар, асосан, давлат ёрдамида ҳал этилади. Яна бир гап. Европа Иттифоқи бўйича етиштириладиган ялпи ички маҳсулотнинг 25 фоизи Франция ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг ярмидан кўпроғи хусусий ер эгаларидир. Улар орасида кооперативлар кўпчиликни ташкил этади. Гўшт, вино, сабзавот, сут маҳсулотларининг асосий қисми ана шу кооперативлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Яъни юксак даражада саноатлашган қишлоқ хўжалиги аҳоли эҳтиёжларини қондиришда алоҳида ўрин тутади.

Бир сўз билан айтганда, Франция иқтисодиёти жаҳон хўжалигига тобора чуқурроқ интеграциялашиб бормоқда.ЕИ аксарият хусусий корхоналар учун ўзига хос ички бозорга айланган. Маҳсулотларнинг 60 фоизи ушбу ташкилот аъзоси бўлган мамлакатларга экспорт қилинади. Жумладан, экспортнинг 16, импортнинг 20 фоизи Германия ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатда ташқи иқтисодий экспансияни кенгайтиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада капитал экспорти муҳим воситалардан бири бўлиб қолаяпти.

Тўғридан-тўғри, инвестицияларнинг тахминан 30 фоизи ривожланаётган мамлакатларда тўпланган. Африка қитъаси Франция ташқи сиёсати ва савдо-иқтисодий алоқаларида алоҳида ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, капитални жамлаш ва марказлаштириш, уни экспорт-импорт қилиш, технологик янгиликларни амалиётга кенг жорий этиш мамлакат ижтимоий ҳаётига хос бўлган хусусиятдир. Бу эса ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда катта аҳамият касб этаяпти.

ХАМКОРЛИК

ЎзА хабарлари

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами арафасида Навоий вилоятидаги қўшма корхоналар сони биттага ортди. Вилоят марказидаги «Бунёдкор» қўрғонида калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бахт текстиль» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси иш бошлади.

Янги қўшма корхона

«Бизнес Азия» корхонаси негизида ташкил этилган мазкур корхона учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Навоий вилоят бўлими томонидан 500 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит ажратилди. Қўшма корхонанинг низом жамғармаси икки миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Ҳозир бу ерга энг илғор технологиялар келтириб ўрнатилди. Айни пайтда корхонанинг биринчи навбати ишга туширилиб, унда дастлабки маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Йил охиригача пахта хом ашёсидан 7 минг 500 тонна калава ип ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхона 400 ишчи ўрнига эга бўлиб, ҳозиргача юздан зиёд йигит-қиз ишга қабул қилинди.

Қўшма корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 12 минг тоннагача калава ип ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Маҳсулотлар, асосан хорижга экспорт қилинади. Ҳозирнинг ўзида қатор давлатлардан буюртмалар қабул қилинмоқда.

КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фото уйида «Авангарднинг қайтиши. Испан рассомлари Нукусда» мавзуидаги фотокўргазма очилди. Юртимизнинг олис Испания билан дипломатик алоқаларига соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида мустаҳкам асос солинган.

Нукус — испан ижодкорлари нигоҳида

Истиқлол йилларида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги, юксак поғонага кўтарилди. Халқларимиз ўртасидаги иқтисодий, маърифий-маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистоннинг тариҳи, маданияти, санъати, бетакрор анъаналари ҳамиша рассомлар эътиборини тортиб келган. Ўтган йили «Ҳудуд билмас таъмирчилар» халқаро ташкилоти таркибида юртимизга келган бир гуруҳ испан ижодкорларини Нукус шаҳрининг ўзига хос табиати, одамларининг турмуш тарзи, анъана ва урф-одатлари қизиқтириб қолган эди. Бу қизиқишнинг натижаси ўлароқ, шаҳар ҳаётига оид туркум фотосуратлар яратилди.

Санъат мухлислари ана шу асарлар асосида ташкил этилган мазкур кўргазмада Оролбўйи минтақасидаги ушбу шаҳарни Дэвид Курто, Фернандо Толедо, Лаура Бадель, Каролина Антон каби испан фотоижодкорлари нигоҳи билан томоша қилади.

ИХТИРО

Кашфиёт борасида японларга тенг келадигани йўқ. Кўпчилик антиқа нарсалар биринчи бўлиб шу мамлакатда пайдо бўлади. Япониялик тиниб — тинчимас мутахассислар яна бир ишга қўл урди. Жуда қулай ва замонавий автомобиллари билан дунёга машҳур Honda компанияси яқин вақт ичида самолёт чиқармоқчи.

HONDA самолёт чиқармоқчи

Honda маъмурияти яқинда Piper Aircraft компанияси билан келишувга эришди. Улар биргаликда яқин масофага учадиган Hondajet русумли кичик самолётлар ишлаб чиқарадиган бўлди. Ушбу ҳаво кемасининг двигатели қанотлари остида жойлашган бўлиб, бошқа самолётларга қараганда анча тежамли. Лекин у атиги етти йўловчини манзилига етказиши мумкин.

Honda компанияси вакиллари янги маҳсулотга буюртма олишни жорий йил октябрдан бошлашга умид қилмоқда. Унгача самолёт нархи аниқ бўлади.

Honda аслида 20 йил олдин самолёт ишлаб чиқариш лойиҳасини бошлаган эди. Аммо бу лойиҳа ортга чўзилиб келаверди. Ҳатто тадқиқотчилар бир неча марта лойиҳани бекор қилмоқчи ҳам бўлган.

Айни пайтда лойиҳа раҳбари Мисима Фудзино янги самолёт сифат, қулайлик ва нарх бўйича бемалол рақобатлаша олишига ишонч билдирмоқда. Унинг фикрича, янги самолёт ҳаво таксиси вазифасини бажаради.

МОЛИЯ БОЗОРИ

ҲАЁТИЙ *мақсад инсон қадр-*
■ киммати ва бахтининг асосидир

БАНК ТИЗИМИ

Мақсад — сармоя беҳуда сарфланмасин

У мижозга ҳам, банкка ҳам фойда келтирсин, — дейди ДАТ "Асакабанк"нинг Қашқадарё вилоят филиали бошқарувчиси Баҳриддин Қиёмов

Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат турларини ошириб, аҳоли ишончини оқлашга ҳаракат қилган банкларнинг мижозлари кун сайин кўпайиб, фаолияти кенгайиб бораверади. Буни юртимизнинг энг йирик молия муассасаларидан бири ҳисобланган давлат-акциядорлик тижорат "Асакабанк"нинг Қашқадарё вилоят филиали мисолида ҳам кўриш мумкин.

■ **Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири**



Жорий йилда унинг мижозлари 300 тага кўпайиб, жами 1300 тадан ошиб кетди. Кичик бизнес субъектлари, деҳқон, фермер хўжаликларига ҳамда тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида жойларда минибанклар ташкил этилмоқда. Айни пайтда вилоятнинг Косон, Қамаши, Яккабоғ, Шаҳрисабз туманлари ва Қарши шаҳрида банкнинг ана шундай кичик шохобчалари ишлаб турибди. Шаҳрисабз минибанки эса ҳадемай филиалга айлантирилади.

Банклар фаолиятида мижозларга кредит ажратиш орқали уларни молиявий қўллаб-қувватлаш алоҳида ўрин тутади. Шу боис филиал жамоаси бу муҳим ишга эътиборни кучайтирмоқда. Айниқса, аҳолининг автомобиль транспортига бўлган талабини қондириш мақсадида банк томонидан жорий йилнинг 7 ойи мобайнида 1 миллиард 183 миллион сўмлик автокредит берилди. Натижада банкка нақд пул тушуми кескин кўпайди. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун эса 1,5 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилади. Йил охирига қадар яна 1 миллиард сўм автокредит бериш режалаштирилган.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини минитехнологиялар ва қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш учун лизинг хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш, халқаро молия ташкилотларининг кредит линияси ҳисобидан кредит ажратишни янада кучайтириш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялаш ҳам филиал жамоасининг доимий диққат-эътиборидадир. Шу боис кейинги йилларда вилоятда "Асакабанк" орқали халқаро молия ташкилотларидан кредит олиб, экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқараётган қўшма корхоналар йил сайин кўпайиб бораётир. Масалан, Қарши шаҳридаги "Мақсудий" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси банкдан 150 миллион сўм кредит олиб, замонавий полиэтилен ишлаб чиқариш технологиясини келтирди. Ёки "Якабоғтекс" қўшма корхонаси Германиянинг "Индустралгин ГМБХ" фирмасининг 5 миллион 307 минг евролик замонавий ип йигирув ускуналарини ўрнатиб, бугунги кунда тўлиқ қувват билан ишламоқда. Айни пайтда корхонада 200 нафар қишлоқ ёшлари ишлаяпти. Бундай мисолларни филиал фаолиятидан яна кўплаб келтириш мумкин.

Эндиликда мижоз учун энг қулай ва ишончли тўлов воситаси ҳисобланган пластик карточкалар хизматини йўлга қўймаган банкни учратиш қийин. "Асакабанк" ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, банкнинг Қашқадарё вилоят филиали корхона, ташкилот ва мижозларга ушбу хизмат турини кенг жорий этаяпти. Ҳозир банкнинг 10 мингта пластик карточкадан фойдаланувчи мижози бор. Аҳолига хизмат кўрсатишнинг ўнта тури бўйича тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш мақсадида савдо дўконлари, дорихона, ёнилғи қуйиш, умумий овқатланиш шохобчаларида кўплаб савдо терминаллари ташкил этилган. Йил охирига қадар вилоятда карточка соҳиблари сонини 20 мингтага етказилиши назарда тутилмоқда.

— Мижозларимизга тезкор, намунали ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида тинимсиз изланаяпмиз,-дейди ДАТ "Асакабанк" вилоят филиали бошқарувчиси Баҳриддин Қиёмов.— Бу эса банк ва мижоз ўртасидаги ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Йирик мижозларимизга "Банк-мижоз" дастури қўлланиб келинаяпти. Унинг афзаллик томони шундаки, мижоз ҳамма ишни компьютерлар ёрдамида амалга оширгани боис, банкка келиш ва ҳужжатлар тўлдиришга эҳтиёж қолмайди. Йил охирига қадар яна 10 та йирик мижозимизга мазкур дастур асосида хизмат кўрсата бошлаймиз.

Филиал жамоаси аҳолига банк билан ўзаро ҳамкорлик қонун-қоидаларини ўргатишга ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Айниқса, энди иш бошлаётган тадбиркорларни бизнес сирларидан хабардор қилиш банк учун ҳам, мижоз учун ҳам фойдали эканлигини тушунтирмоқдамиз. Жойларда бўлиб ўтаётган йиғилиш ва тадбирларда иштирок этиб, кредитларни мақсадли ишлатиш, бизнес-режаларни корхона истиқболини кўзлаган ҳолда тузиш борасида маърузалар қилинаяпти. Мақсад - сармоя беҳуда сарфланмасин, у ўз соҳиби ва давлатга фойда келтирсин.

Филиал жамоасининг асосий қисми билимдон ва серғайрат ёшлардан иборат. Улар ҳар бир мижозга самимий муносабатда бўлиб, кўрсатилаётган молиявий хизматларни давр талаблари даражасида ташкил этишга астойдил ҳаракат қилишаётир. Ходимлар Банклар ассоциацияси, Банк-молия академиясида ташкил этилаётган ўқув машғулотлари, амалий семинарларда мунтазам қатнашиб, муттасил равишда билим ва малакаларини ошириб боришаяпти. Мижозлар билан ишлашда кредит ва пул муомаласи бўлимлари бошлиқлари Муҳиддин Абдуназаров, Акмал Очилов, пластик карточкалар бўлими ходимлари Ҳамза Алламуродов, Ғайрат Ҳазратқулов, хазина бўлими мудири Зеби Ҳамдамова, етакчи мутахассислар Обид Ҳомидов, Санжар Нурмуҳамедов, Арслон Полвонов зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажариб, барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, ДАТ "Асакабанк" Қашқадарё вилоят филиали жамоаси бугунги кунда тадбиркорларнинг яқин ҳамкори ва ишончли мададкорига айланган.

САХОВАТ

Навоий вилоятининг Томди тумани асосан чорвачиликка ихтисослашган. Кейинги йилларда бу ерда қорақўлчиликни ривожлантириш, чорвадорларнинг яшаш шароитини яхшилашга катта эътибор қаратилаётир.

Чорвадорлар ҳиммати

■ **ЎзА**

Маълумотларга кўра, кейинги ўн йил ичида наслчилик ширкат хўжаликларидаги қўй-эчкилар сони салкам 200 минг бошга кўпайган. Айни пайтда туманда қарийб 400 минг бош қўй-эчки, 5 минг бошга яқин туя ва йилқи боқилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида туман хўжаликларида салкам 16 минг центнер гўшт, 43 минг донадан ортиқ қорақўл тери тайёрланди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт тайёрлаш 735 центнер ошди. Шу йилнинг биринчи ярмида 1,5 млрд. сўмлик маҳсулот сотилиб, 552 млн. сўм соф фойда олинди. Жумладан, 13 минг 306 дона қорақўл тери экспортга чиқарилди.

— Даромадимиз кўпайгани боис, туманимизда хайрли ва савобли ишлар кўлами ортди, — дейди туман ҳокими Алмамбет Назаров. — Ўтган олти ой давомида туман бўйича 181 та кам таъминланган оилага, шунингдек, ёлғиз қариялар, ёрдамга муҳтож пенсионерлар ва ногиронларга ҳомийлар томонидан 88 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, барча корхона, ташкилот ва ширкат хўжаликлари, ўқув муассасалари томонидан ҳомийлик тадбирлари ва ҳашарлар уюштирилиб, ундан тушган 3 миллион сўмлик маблағ «Маҳалла» хайрия жамғармасига ўтказилди.

ЭЪЛОН

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Банклар ассоциацияси Аукцион савдоларини ташкил этиш агентлигининг Сурхондарё филиали 2006 йил 11-12-13 сентябрь кунлари ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига Сурхондарё вилоят суд бошқарувчиси томонидан тақдим этилган "Сурхон-Ангорқурувчи" МЧЖга қарашли қуйидаги автотранспорт воситаларини қўяди.

1. «ЗИЛ-133» автомашинаси, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 AG 014. **Бошланғич баҳоси - 631962 сўм.**

2. "Кубань ПК-702" автобуси, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 88-24 СДЛ. **Бошланғич баҳоси - 177480 сўм.**

3. "Т-40" трактори, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 53-25 СМ. **Бошланғич баҳоси - 202620 сўм.**

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Тадбиркорлар маркази биноси. 2-қават. 10-хона. Телефон: 222-81-09, 22-68-321.

Харидорлар савдо бошланишидан уч кун олдин ЎБА Сурхондарё филиали Аукцион савдоларини ташкил этиш агентлиги ҳисоб рақамига мулк бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Ҳисоб рақами: 20208000404277899010. Ипотека банки Термиз шаҳар бўлими. МФО: 00356.

КУТЛОВ

ДУНЁ - бир кўзгу, у ҳар кимга ўз тасаввурини қайта кўрсатиб беради

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЭРОН

Зиддиятлар гирдобида

ёки АҚШнинг Эронга нисбатан сиёсати оқибатлари хусусида

ЎТГАН ҲАФТАДА БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ, НИҲОЯТ, ЭРОНДАН БИР ОЙ МУДДАТДА ЯДРО ДАСТУРИНИ ТЎХТАТИШНИ, АКС ҲОЛДА ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ТЕҲРОНГА НИСБАТАН ҚАРШИ САНКЦИЯЛАР ҚЎЛЛАБ, МАМЛАКАТНИ ЯККАЛАТИБ ҚЎЙИШИ ҲАҚИДА РЕЗОЛЮЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛДИ. КЎПЧИЛИК КУЗАТУВЧИЛАР БУНИ АҚШ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ, КИЧИК БЎЛСА-ДА ҒАЛАБАСИ, ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДАЛАР. САБАБИ — АЙНАН АҚШ ЭРОННИНГ ЯДРО ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШИГА КЕСКИН ҚАРШИЛИК КЎРСАТИБ КЕЛАЁТГАН ДАВЛАТЛАРДАН БИРИДИР.

Бироқ, Теҳрон расмийларининг баёнотларига кўра, ҳеч нарса, ҳатто халқаро санкциялар ҳам Эронни ўз ядро дастуридан воз кечишга мажбур эта олмайди. Дарҳақиқат, кузатувчиларнинг фикрича, жазо чоралари Эронга кутилганчалик таъсир кўрсатиши қийин. Улкан энергетик ресурсларга эга бўлган мамлакат хорижий инвесторларни ўзига жалб этаверади. Шу ўринда биргина Хитой билан ушбу соҳадаги 30 млрд. долларлик битимларини эслашнинг ўзи кифоя. Иккинчидан, Теҳрон Форс кўрфазининг улкан нефть танкерлари ўтувчи Ўрмуз бўғозини назорат қилади.



Шерзод ЭРАЛИЕВ

Агар у ўз "ваъда"сига биноан ушбу бўғозни ҳақиқатан ёпиб қўйса, шусиз ҳам юқори бўлиб турган "қора олтин" нархи кескин кўтарилиб, жаҳон бозоридаги мувозанатга путур етиши турган гап. Учинчидан, санкциялар Эрон расмийларининг аҳолига қарата: "Мана қаранг, Ғарб бизга ҳатто қонуний ҳуқуқимиз — тинчлик мақсадларидаги ядро дастуримизни ривожлантиришга ҳам имкон бермаяпти", — дейишларига дастак бўлади.

Кузатувчиларнинг фикрича, Эроннинг "тинчлик мақсадларидаги ядро дастури" айнан ядро қуролини яратишга қаратилгандир. Табиийки, бундай қурол "демократлаштириш, диктатор зулмидан озод қилиш" ниқоби остида ҳужум бошланмаслигини кафолатлайди. Иккинчидан, халқаро саҳнада у билан ҳисоблашиб иш юритишга мажбур бўлишади. Айни пайтда бу жуда қимматбаҳо ва катта масъулият талаб қилувчи қуролдир.

Шундай экан, табиий савол туғилади: ҳар томонлама қимматга тушаётган ушбу дастур, аниқроғи — ядро қуроли Эронга нима учун керак?

Ҳозир минтақада Эрон хавфсизлигига бевосита таҳдид туғдираётган давлат йўқ, албатта. Унинг ашаддий душмани — Саддам Ҳусайн тузуми аллақачон яксон қилинган. Бироқ, айрим экспертларнинг фикрича, АҚШ Форс кўрфазидаги ўз ҳарбий иштирокини кучайтириши, демократия ниқоби остида рангли инқилоблар, давлат тўнтаришларини амалга оширишга уриниши Эрон, Сурия, Шимолий Корея каби давлатларни қуролланишга мажбур этаяпти.

Маълумки, Теҳрон АҚШ ва Исроилнинг яқин ҳамкорлари бўлган шоҳ Паҳлавий даврида Марказий разведка бошқармаси ва МОССАД мутахассисларининг бевосита ёрдами билан ташкил этилган Эрон хавфсизлик хизмати — САВАК ўз вақтида АҚШ йўриғи билан иш тутувчи шоҳ тузумини қораловчиларга қарши курашарди. Маълумотларга кўра, ўта қаттиққўл ушбу хуфия ташкилот ўз вақтида 380 мингга яқин кишини қурбон қилган. Бу ҳам етмаганидек, ўша пайтларда АҚШ бошчилигидаги Ғарб компаниялари Эрон иқтисодиётини буткул назорат қилар, халқнинг ижтимоий аҳволи кундан-кунга оғирлашиб, коррупция авж олган эди.

Натижада аҳоли орасида шоҳ ва унинг ортида турган АҚШга қарши нафрат кучайиб, 1979 йилда Ислом инқилоби рўй берганди. Минтақадаги яқин иттифоқчи бирзумда унинг том маънодаги душманига айланди. Эронни йўқотиш Вашингтоннинг минтақадаги стратегик манфаатларига жуда қаттиқ зарба бўлди. АҚШ шундан кейин Эронни ядро қуролини яратишга уринаётган, террорчиларни қўллаб-қувватлаётган давлат, хуллас, "ёвузлик ўқи"нинг бир қисми сифатида «таништира» бошлади. 1980-1988 йиллардаги Эрон-Ироқ уруши пайтида ҳам Вашингтон Саддам Ҳусайнга жуда катта миқдорда ёрдам берганини кўпчилик унутмаган бўлса керак. Шунга қарамай, иккала томонга ҳам катта талофат келтирган урушга асосий баҳоналардан бири бўлган стратегик аҳамиятга эга Ўрмуз бўғози Теҳрон қўлида қолди.

Оқ уй маъмурияти Эронга қарши ахборот уруши эълон қилиш билан бирга унга ҳар томонлама иқтисодий-сиёсий босим ўтказишда давом этмоқда. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Марказий Осиёдан энергетика ресурсларининг Эрон орқали жаҳон бозорларига чиқишига айнан АҚШ тўсқинлик қилганди.

Шу жиҳатдан ҳам Эроннинг ҳар дақиқада Пентагондан хавфсирашига асослар бор, дейиш мумкин. Рақибдан тенг миқдорда қасос олиш, ҳатто бутунлай яксон қилиш имконини берувчи ядро қуролигина Эронни АҚШ ҳужумидан сақлаши мумкинлигини Теҳрон расмийлари яхши тушунишади. Шу сабабдан ҳам улар ядро дастурини ривожлантиришга зўр бермоқдалар, деб ҳисоблашмоқда халқаро экспертлар.

Лекин Эрон ўз дастурини тинчлик мақсадларида, аниқроғи — аҳолини арзон энергия билан таъминлаш учун ривожлантираётганини таъкидлаяпти. Мамлакат раҳбарларининг Исроил давлатининг яшашга ҳаққи йўқлигини ошкора тарзда даъво қилиши эса, чиндан ҳам халқаро жамоатчиликни ташвишга солиб қўйди. Миллий ОАВ "кофир" давлатлар Эронни ўз йўлидан ҳеч қачон қайтаролмаслигини бот-бот такрорлаяпти. Бундай ташвиқотнинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Гап шундаки, мамлакат ичкарисида ислоҳотлар ўтказилишини талаб қилувчи кучлар бор. Бироқ умумий ташқи душман образи мавжуд экан, ўзгача кайфиятдаги кишилар ҳам, ҳукумат сиёсатини маъқулловчилар ҳам бирлашиб, жипс бўлиб қолаверади. Яъни АҚШ бошчилигидаги Ғарб давлатларининг тинимсиз босими халқнинг бирдамлигига хизмат қилаётир.

Шу сабабдан, Эрон расмийлари "халқаро ҳамжамият номидан гапирувчиларнинг" ҳар қандай санкциялари Теҳронни ўз аҳдидан қайтаролмаслигини таъкидлашаяпти.

Дарҳақиқат, аввалроқ келтирилган сабаблар туфайли ҳам БМТ санкциялари наф бермаслиги мумкин. У ҳолда Теҳроннинг асосий душмани бўлган — Вашингтон қандай йўл тутиши мумкин? Ахир, у ушбу компания учун озмунча маблағ ва куч-ғайрат сарфладими! Кўпчилик кузатувчи ва шарҳловчилар АҚШнинг Эронга уруш очиши аниқ, деган яқдил фикрни илгари сурмоқдалар. Ҳатто баъзи ахборот каналларида урушнинг аниқ режаси ёки АҚШ ва Исроил авиацияси ўққа тутиши лозим бўлган Эрон объектлари рўйхати гўёки ОАВ қўлига тушиб қолганлиги хабар қилинмоқда. Баъзилар уруш ҳаракатлари куз ойидаёқ бошланишини айтишмоқда.

Лекин реал воқелик ва йирик илмий марказларнинг жиддий тадқиқотлари таҳмин қилинаётган уруш шундоқ ҳам иккита фронтда уруш олиб бораётган Американи ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Ҳатто Збигнев Бжезинский ва Жозеф Най каби таниқли арбобларнинг таъкидлашларича, бундай ҳаракатлар дунёда шусиз ҳам аксиламерика кайфиятлари кучайиб турган бир пайтда Вашингтоннинг «якка ҳукмронлик» даври сўнишига сабаб бўлиши аниқ.

Таъкидлаш керакки, Эрон ҳақиқатан ядро қуроли яратишга киришган тақдирда ҳам ўз мақсадига эришиши учун ҳали узоқ вақт керак бўлади. Қолаверса, Теҳронга уруш очиш учун қонуний ҳуқуқ берувчи БМТ Хавфсизлик Кенгаши "фатво"сини олиш осон эмас. Мабодо, АҚШ ҳудди Ироқдаги каби Хавфсизлик Кенгаши резолюциясисиз иш кўрадиган бўлса, ҳозирча ўз ёнида турган иттифоқчилардан ҳам айрилиб қолиши мумкин.

Ироқ ва Афғонистондаги уруш ниҳоясига етмаган бир пайтда учинчи фронтни очиш Вашингтон стратеглари учун кечирилмас хатога айланиши турган гап. У ҳолда бутун минтақа террорчилик ҳаракатлари саҳнасига айланиб қолиши ҳеч гапмас. Эрон Ироқ эмас, унинг 70 миллионли аҳолиси борлигини, аксарияти 18-30 яшар атрофида экани назарда тутилса, вазият янада ойдинлашади.

Учинчидан, аввалроқ таъкидланганидек, жаҳон бозорларидаги нефть нархи осмонга сапчийди. Ҳозирнинг ўзидаёқ уруш ваҳимаси биржаларни саросимага солиб қўйди. Кўпчилик бундай вазият учун Эронни эмас, аввало АҚШни айблашмоқда. Ваҳоланки, "қора олтин" нархининг кескин кўтарилиши саноатлашган давлатлар иқтисодиётига тушов бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Тўртинчидан, агар АҚШ ҳақиқатан ҳам Эронга ҳужум қилгудек бўлса, тинч аҳоли ўртасида қурбонлар бўлиши муқаррарлиги эвазига уларнинг қариндошлари террорчилар сафини тўлдиради.

Хуллас, ушбу омилларни ҳисобга оладиган бўлсак, Вашингтон ҳозир жуда қийин аҳволда турибди. Ироқ кампаниясидан кейин Буш жаноблари на Америка жамоатчилигини, на халқаро ҳамжамиятни Эронга қарши уруш очиши кераклигига ишонтира олади. Эронни ядро дастуридан воз кечдириш кераклигига ҳам ҳеч ким шубҳа қилмайди, лекин муаммони бартараф этиш бўйича Вашингтон таклиф қилаётган вариант жуда хавфли. У Яқин Шарқдаги зиддиятли вазиятни буткул издан чиқариб юбориши мумкин. Бу эса Вашингтон неоконсерваторларининг бошқа давлатларни АҚШ манфаатларига бўйсундиришга асосланган сиёсати боши берк кўчага кириб қолди, деганидир. Ҳозирги шароитда энг мақбул йўл дипломатияни ишга солиш, Эрондан Америкининг савдо ва иқтисодий санкцияларини олиб ташлаш, ахборот хуружларини тўхтатиш, икки томонлама муносабатларни барқарорлаштириш юзасидан музокараларни бошлаш эканлигини шарҳловчилар алоҳида таъкидлашаяпти. Шундай экан, фақат муросаю мадора йўли улкан Яқин Шарқ ва Форс кўрфази минтақасига кўпдан буён кутилаётган тинчликни олиб келиши мумкин.

НУҚТАИ-НАЗАР

ТАФСИЛОТЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР,

УКРАИНА

Ниҳоят Украинадаги сиёсий инқироз бартараф этилди, дейиш мумкин. Президент Виктор Юшченко ўзининг "зарғалдоқ майдон"даги рақиби Виктор Янукович номзодини мамлакат бош вазири лавозимига тасдиқлагач, вазият изга туша бошлади. Янги бош вазир қатор вазирликларга номзодлар кўрсатгач, Киевнинг ташқи сиёсати кескин ўзгармаслигига ваъда берди.

Янукович — яна бош вазир

Бош вазир ички ишлар вазирлигига Юрий Луценко, адлия вазирлигига Роман Зварич ва мудофаа вазирлигига Анатолий Гриценколар номзодини кўрсатди. Таъкидлаш жоиз: бу учала вазир ҳам кўпроқ Юшченко тарафидаги сиёсатчилардир. Айниқса, Юрий Луценко, агар Янукович бош вазир этиб тайинланадиган бўлса, ҳукуматни тарк этишга ваъда берганини эсга олиш кифоя. Ҳеч кимга сир эмаски, Юшченконинг қатъий талаби билан Луценко яна ички ишлар вазири қилиб тайинланди. Чунки президент бу одам бошқараётган идора орқалигина бош вазирга таъсир кўрсата олиши мумкин.

Украинанинг бундан буёнги ташқи сиёсати кескин ўзгармаслиги ҳам маълум бўлди. Ташқи ишлар вазири Борис Тарасюк Украинанинг НАТО ва Европа Иттифоқи аъзолигига интилиши унинг Россия, Белоруссия ва Қозоғистон билан Ягона иқтисодий макон доирасида ҳамкорлик қилишига таъсир кўрсатмаслигини айтди.

ИСРОИЛ

Ливанда уруш ҳаракатлари давом этиб турган бир пайтда Исроил Венесуэладан ўз элчисини чақириб олди. Бунга Венесуэла президенти Уго Чавеснинг Исроилни Гитлер Германияси билан қиёслагани сабаб бўлган, дея маълумот тарқатди Reuters ахборот агентлиги.

Элчи чақиртирилиб олинди. Аммо...

— Биз Каракасдаги элчимизни маслаҳатлашиш учун чақириб олдик, — деди Исроил Ташқи ишлар вазирлиги вакили Марк Регев. — Венесуэла тутаётган позициядан ҳавотирдамиз. У ўзининг минтақадаги террорчи унсурлар билан иттифоқда эканлигини намойиш этаяпти.

Ўтган ҳафтада al-Jazeera телеканалига берган интервьюсида Чавес жаноблари Исроилнинг Ливан ва Фаластин ҳудудларига ҳужум қилишини қоралаб, бундай хуружни Гитлер Германияси олиб борган ҳарбий операцияларга ўхшатди.

Бундан бироз аввал Исроилнинг Яқин Шарқдаги сиёсатига эътироз сифатида Венесуэла Тель-Авивдаги ўз элчисини чақириб олганди.

АҚШ

Ford оғир аҳволда

Американинг Ford компанияси двигателларининг ёниб кетишидан хавфсираб 1,2 млн. та машинани қайтариб ола бошлади. Хавфли автомобиллар қаторида юк машинаси, фургон ва жиплар ҳам бор.

Гулноза ЮСУПОВА

Бунчалик кўп машинани заводга қайтариш ҳақидаги қарор АҚШнинг Шосселарда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш маъмурияти (NHTSA) талаби билан қабул қилинган. Ушбу ташкилот ўтказган текширувлардан маълум бўлишича, компаниянинг баъзи русумдаги автомобилларида тезликни пасайтириш электрон тизими қизиб, ёниб кетиши мумкин экан. Бундай нуқсон фақат бензин ва газда ишлайдиган машиналарда топилган, дизель ёнилғисида ишловчи автомобиллар мутахассисларда хавотир уйғотмаган.

Умуман, сўнгги йиллар Ford компанияси учун омадсиз келмоқда, дейиш мумкин. Бундан аввал йилнинг иккинчи чорагида компания камомади 254 млн. долларни ташкил этганди. Ford раҳбарияти бундай ҳолатни бўшаб кетган ишчиларга нафақа тўловларининг кўпайиши билан изоҳламоқда.

АҚШнинг бошқа автомобиль компаниялари каби Fordнинг оғир аҳволда қолиши, аввало, бундай корхоналар ишлаб чиқараётган катта машиналарнинг кўп ёнилғи ишлатиши билан боғлиқ. Бутун дунёда энергетика ресурсларига эҳтиёж ошиб бораётган бир пайтда ёнилғи нархи америкалик ҳайдовчилар учун ҳам асосий муаммо бўлиб қолаяпти.

ИНСОН табиатига болаликда сингдирилган фазилатларгина мустаҳкам ва ишончли бўлади

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

БОЛАЛАР СПОРТИ

Бўлажак чемпионлар маскани

Кейинги йилларда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида мамлакатимиз ҳудудида халқаро талаблар даражасидаги қатор спорт иншоотлари бунёд этилмоқда. Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида фаолият юритаётган спорт маркази шулар жумласидандир.

Шухрат БЕК олган сурати

■ **Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI asr» мухбири

— Тошкент шаҳрида барча талабларга жавоб берадиган катта теннис зали ва унга ёндашган қўшимча очиқ кортлардан иборат спорт маскани ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг хаёлига биринчи навбатда Юнусобод даҳасидаги "Ўзбекистон" спорт мажмуаси келади, — дейди "Авиасозлар спорт маркази" бош мураббийи Владимир Абдусагатов. — Аммо ҳар томонлама қулай ва замонавий конструкция асосида қурилган бизнинг мажмуа имкониятлари жиҳатидан республикамизда ягона ҳисобланади.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан нисбатан қисқа муддатда бунёд этилган ушбу мажмуада айни пайтда "Авиасозлар" теннис клубига 5 ёшдан 70 ёшгача бўлган 400 нафардан ортиқ ҳаваскор спортчи аъзодир. Мазкур клуб вакиллари турли хил мусобақаларда иштирок этиб келмоқдалар. Жорий йилнинг ўзида ушбу масканда Ўзбекистон Теннис федерацияси кубоги баҳслари ҳамда болалар ўртасида "Кичкинтой" халқаро турнири бўлиб ўтди. Яқин кунларда Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган турнирга старт берилади.

Владимир Вильевич қисқа суҳбатимизга якун ясар экан, бизни машғулотлар ўтаётган жойга таклиф қилди. Теннис ракеткасини чаққон ишга солиб, шеригига бехато тўп узатаётган ўн-ўн икки ёшлардаги ўғил-қизларни кўриб, яқин келажакда бу ердан кўплаб профессионал теннисчилар етишиб чиқиши ва юртимиз довруғини оламга ёйишига тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

Умид қиламизки, яқин келажакда айнан шу ерда тарбия топган болалар Ирода Тўлаганова сингари профессионал теннисчи даражасига етиб, юртимиз довруғини ёйишга ҳисса қўшадилар. Орзу-истакларни рўёбга чиқариш учун эса, бу ерда барча шароитлар бор.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

14-20 август

ҚЎЙ. Сўнгги ўн-ўн беш кун мобайнида қилган меҳнатларингиз самарасини келаси ҳафтада кўришга муваффақ бўласиз. Шундай экан, ортиқча ташвишларни унутиб, бўш вақтингизни кўнгилочар тадбирлар, жумладан, мусиқа эшитиш ёхуд сайру саёҳат қилишга бағишланг.

БУЗОҚ. Бор эътиборингизни (гарчи бу ҳолат касбий фаолиятингизга салбий таъсир кўрсатса-да) оилангиз фаровонлиги ва тинч-тотувлигига қаратишга ҳаракат қилинг. Уйингиздаги эскирган техника, электр асбобларни янгиланг, лозим бўлса, хоналарни таъмирланг.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳафтанинг дастлабки кунларида ўзингизни ташвишлардан ҳоли, эркин инсон сифатида ҳис қилиб, хотирангизда ёрқин из қолдирадиган саёҳатга чиқишга муваффақ бўласиз. Ҳафта охирида эса шахсий ҳаётингизга алоқадор бўлган муаммоларни ҳал қиласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА. Ўтган ҳафтадаги фаолликдан асар ҳам қолмаганини сезган бўлсангиз-да, имкон борича иш жойингиздаги ёзув-чизув ва ҳисоб-китоб билан боғлиқ муаммоларни тезроқ бажаришга ҳаракат қилинг. Бегоналар ишини енгиллаштираман, деб, ўзингизга ташвиш орттирманг.

АРСЛОН. Мазкур ҳафтада туғилган кунларини нишонламоқчи бўлган "арслон"лар кўнгилларига яқин кишилари билан дилдан суҳбат қуришга, дўстлари билан ораларидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиладилар. Буржнинг ижод билан шуғулланувчи вакиллари эса, бетакрор асарлар яратишга муваффақ бўладилар.

ПАРИЗОД. Марс сайёрасининг буржингизга таъсири туфайли бутун август ойи давомида кучингизга куч қўшилиб, фаоллигингиз ортганини сезасиз. Ҳатто дам олиб, ҳордиқ чиқараётганингизда ҳам жойингизда тинч ўтиролмай, фойдали иш билан машғул бўласиз.

ТАРОЗИ. Орттирган янги танишларингиз ҳаётингизни тубдан ўзгартириб юборишга уринадилар. Бироқ ёдингиздан чиқмасин: ўзгаришлар ҳар доим ҳам ижобий бўлавермайди. Шундай экан, ана шу танишларнинг берган маслаҳатларига эҳтиёткорлик билан ёндашинг.

ЧАЁН. Келаси ҳафтада оғир кунларни бошдан кечиришга мажбур бўласиз. Авваламбор, ишхонангиздаги мураккаб аҳвол у ердан кетишингизга сабабчи бўлиши мумкин. Ундан ташқари, яқин қариндошларингиздан бирининг бетоблиги ҳамда рўзғор харажатларининг кутилмаганда ошиб кетиши сизда катта ташвиш уйғотиши кутилмоқда.

ЎҚОТАР. Ойнинг 15-18-саналарида Марс ва Плутон ўртасида вужудга келган инқироз "ўқотар"ларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, ана шу давр мобайнида мазкур бурж вакилларининг аксарияти ўзини ёмон ҳис қилса, бизнес билан шуғулланувчилар ишлари орқага кетаётганини сезадилар.

ТОҒЭЧКИСИ. Келаси ҳафтада энг муҳими — молиявий аҳволингизни яхшилаб олишга эришасиз. Ундан ташқари, ҳафтанинг иккинчи ярмида қизиқарли саёҳатга чиқишга, ақлий салоҳиятингиздан фойдаланган ҳолда катта лойиҳаларни амалга татбиқ этишга муваффақ бўласиз.

ҚОВҒА. Ҳафтани кўнгилдагидек ўтказаман, десангиз, ўзингизни зўриқтирманг, шошилманг, энг асосийси — катта масъулият талаб этадиган ишларни бажариш кафиллигини олманг. Ана шундагина, кўринишидан кичик бўлса ҳам, қимматли ғалабаларни қўлга киритишга эришасиз.

БАЛИҚ. Деярли барча соҳа ва йўналишлар бўйича сезиларли ютуқларга эришасиз. Иш жойингизда, ниҳоят сизни қадрлаб, меҳнатингизни эътироф эта бошлайдилар. Шундай бўлса-да, бахтли келажагингиз учун курашишни бир дақиқага ҳам тўхтатманг.

ОБ-ҲАВО

Чилла чиққанига қарамай, шу ҳафтанинг охиригача республикамизда иссиқ ва қуруқ об-ҳаво сақланиб туради. Аммо кейинги ҳафтанинг дастлабки кунлариданоқ ҳарорат бироз пасаяди.

Жумладан, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистонда ҳафта охиригача 40-42 даражани ташкил этган ҳарорат душанба куни 35-37 га тушиб кетиши кутилмоқда.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳамда Фарғона водийсида ҳафта давомида термометр кўрсаткичлари кечаси 20-23, кундузи эса 38-42 даражани қайд этади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида нисбатан салқин об-ҳаво кузатилиб, ҳарорат 16-18, кундузлари 34-37 даража бўлади.

Тошкентда ўтган ҳафтадаги об-ҳаво сақланиб қолади. Ҳарорат кечаси 19-22, кундузи 37-39 даражани ташкил этади.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шухрат НОРГИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
Шаҳзод НАЗАРОВ
Шухрат ОХУНЖОНОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
А. СОЙБНАЗАРОВ,
Ш. ЭРАЛИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1057
Тираж: 11156

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborot@XXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ килиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

XASR ©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EXPRESS MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)151-29-52.
E-mail: milapress@yahoo.com

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Дам олиш мавсуми бўлмиш ёзда денгиз сувида чўмилиб чиққач, офтобда тобланган ҳолда атрофдаги гўзал табиат манзараларидан завқланиб ётиш нақадар мароқли эканини хаёлдан ўтказаркансиз, кўнглингизда беихтиёр "Дунёдаги энг тоза ва ҳавоси мусаффо пляжлар қаерда жойлашган экан?" деган савол туғилса, ажабмас...

Энг тоза пляжлар — Испанияда

БУ АЖИБ ДУНЁ



Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўтказилган ўзига хос тадбир натижаларига кўра, бу йил дунёдаги энг тоза пляжларнинг аксарияти Испания ҳудудида жойлашган экан. Европа, Америка, Африка ва Океаниянинг қирққа яқин давлатларидаги пляжларнинг сифати биринчи навбатда, сувнинг экологик тозалигидан келиб чиққан ҳолда аниқланди. Ундан ташқари, қирғоқолди ҳудудларнинг санитария ҳолатига жиддий эътибор берилди. Талабларга жавоб берган пляжларга эса зангори рангли байроқлар тарқатилди. Охир-оқибат эса, ташкилотчилар томонидан ажратилган 3100 та байроқнинг 562 таси Испания қирғоқларидан жой олганлиги маълум бўлди. Эътиборли томони шундаки, "байроқдор" пляжлар Пиреней яриморолининг, асосан Галисия (109 та), Каталония (108 та) ва Валенсия (106 та) музофотларига ўрнатилди.

Чиқарилган хулосаларга кўра, ана шу ҳудудлардаги пляжларнинг барчаси Европа Иттифоқи талабларига 99 фоиз жавоб бериши маълум бўлди.

БОКС

«Қирол» ўзгарадими?

12 август куни АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида WBC йўналишининг энг оғир вазн тоифаси эгалари — Хасим Раҳмон ва Олег Маскаев ўртасида чемпионлик камари учун жанг ўтказилади.

Эътиборли томони шундаки, мазкур йўналиш бўйича амалдаги чемпион, америкалик Хасим Раҳмонга қарши рингга чиқадиган О.Маскаев Қозоғистоннинг Жамбул, ҳозирги Тараз шаҳрида туғилган ва кейинчалик Тошкентга кўчиб келган. Шу сабабли, Ўзбекистон фуқароси бўлган боксчи бир неча йил мобайнида юртимиз шарафини ҳимоя қилган. Сўнгги маълумотларга кўра, айни пайтда рейтингнинг WBC йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаган ва шу боис чемпионлик учун ягона даъвогар сифатида кўрилаётган Маскаев АҚШ фуқаролигини қабул қилиб, мазкур мамлакатда яшаб, машғулотлар ўтказмоқда.

Қизиғи шундаки, жангдан аввал Олегнинг менежери Деннис Раппопорт учрашув ташкилотчиларига мурожаат қилиб, ринг атрофига қўшимча спорт гиламларидан кўпроқ солиб қўйишни сўраган. Гап шундаки, 1999 йилда икки боксчи ўртасида бўлиб ўтган жангда Маскаев рақибини саккизинчи раундда нокаут ҳолатига тушириб, ғалаба қозонган ва Раҳмон сўнгги зарбадан сўнг ринг ташқарисига чиқиб кетганди.

Эслатиб ўтиш жоиз: профессионал фаолиятини 1993 йилда бошлаган 37 яшар Маскаев мазкур жангга қадар 36 та учрашув ўтказиб, 31 тасида (25 тасида рақибни нокаутга учратган ҳолда) ғалаба қозонган.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати партиянинг Бухоро вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" гуруҳи раҳбари Гулрўҳ Ҳасановага волидаи муҳтарамаси **Светлана Файзуллаевна Ҳасановани**нг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61: Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz: E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz